ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

# ИҚТИСОДИЙ ИБОРАЛАР ЛУҒАТИ
## БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

*СамДУ ўқув-услубий кенгашининг
2010 йил 18 ноябрдаги йиғилиши
қарорига (2-сон баённома)
асосан нашрга тавсия этилган*

Самарқанд – 2011

*УДК: 33(03)*

**Иқтисодий иборалар луғати бўйича услубий қўлланма.** Самарқанд: СамДУ нашри, 2011. – 96 бет.

*Ушбу услубий қўлланмада иқтисодиётнинг асосий тушунчалари ва қонунларининг қисқача мазмуни келтирилган. Шунингдек, ушбу қўлланмадан ҳозирги замон иқтисодий назариясини ҳамда бошқа иқтисодий фанларни дастур асосида ўқитишда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида вужудга келаётган янгича иқтисодий тушунча ва атамаларни талабаларга етказишда ёрдамчи услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин бўлиб, унда 800 дан ортиқ иқтисодий атамаларнинг қисқача изоҳи келтирилган.*

*Мазкур услубий қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун тавсия этилади. Шу билан бирга услубий қўлланмадан тадбиркорлар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар ва республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.*

Ушбу қўлланма **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»**га бағишланади

Тузувчилар: **Ш.О. Қувондиқов,**

**Ж.Ш. Тухтабаев**

Масъул муҳаррир **М. Алимова**

Тақризчилар: **проф. Б. Абдукаримов**

**доц. Б. Бобоқулов**

© *Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, 2011*

# КИРИШ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб изчил амалга оширилиб келинаётган ислоҳотлар самараси ўларок, бугун иқтисодиётнинг барча соҳаларида улкан мувофаққиятларга эришилмокда. Республикамиз иқтисодий кўрсаткичлари йилдан йилга юқорилаб бораётир. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларининг ҳам ўзига хос ҳиссалари бор. Хусусан, соҳа вакилларининг ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоиздан ортиқ қисмини ишлаб чиқараётгани бунинг исботидир. Холбуки, мазкур кўрсаткич 2000 йилда 30 фоизни ташкил этган эди.

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда кириб келаётган 2011 йилни мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг кафолати ҳамда таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шундай экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришга бўлган алоҳида эътибор ҳам ўз натижаларини кўрсатмокда. Маълумки, кичик бизнеснинг ихчамлиги, ҳаракатчанлиги, иқтисодий манфаатларни нисбатан тўларок намоён эта олиши, бозор конъюктураси ўзгаришларига тез мослашиши каби хусусиятлари билан иқтисодиётни тубдан ўзгартиришда энг самарали ва қулай воситалардан бирига айлантирди. Мазкур соҳа тараққиёти учун алоҳида шарт-шароитлар яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўлов имтиёзлари белгиланиши, кам фоизли кредит ресурслари тақдим этилиши натижасида қисқа давр ичида кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизматлар бозорини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмокда.

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга кенг жалб этилаётгани бу соҳанинг келгусида янада кенг қулоч олиб ривожланишига, иқтисодиётни юксалтириш ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашда ижобий натижалар беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ҳамда ўз бизнесини бошламоқчи бўлган тадбиркорлар, аввалам бор бозор иқтисодиёти амал қилиш қонуниятларини билишлари бозорда мувофаққиятли фаолият кўрсатишларига замин яратади. Шундай экан, ушбу услубий қўлланма ҳозирги ривожланиб бораётган бозор иқтисодиётида қўлланиладиган иқтисодий атамаларнинг изоҳи келтирилган бўлиб, ундан тадбиркорлар ва бошқа турли соҳа вакиллари фойдаланиб иқтисодий саводхонликларини оширишлари мумкин. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсатнинг туб моҳиятини ҳамда хусусиятларини очиб беришда муҳим қўлланма сифатида аҳамиятлидир.

# А

***Абсолют рента*** (абсолют рента, absolut rent) – Қишлоқ хўжалигида ерга бўлган хусусий мулкчилик монополияси натижасида вужудга келиб, барча турдаги ерлардан олинадиган рента. Ижарага берилган ердан фойдаланганлик учун тўловлар.
***Абсорбация*** (абсорбация, absorbation) – Ялпи ички маҳсулотнинг мазкур мамлакатдаги уй хўжаликлари, корхона ва давлатга реализация қилинган қисми.
***Аванс*** (аванс, advance) – Корхонанинг бажариладиган иши, ўтказиладиган мол-мулк, кўрсатилган хизматлар ва бошқалар учун тўланадиган тўловлар ҳисобига берадиган ёки пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган дастлабки пул қиймат ёки бошқа пуллик қиймат. Аванс кредит шартларида кўрсатиб берилганда мажбурий бўлиб, у шартномада келишилган қийматнинг 10-40 фоизини ташкил этади. Мажбуриятлар бажарилмай қолган тақдирда аванс қайтарилиб берилиши керак.
***Авал*** (аваль, aval) – Алоҳида кафолат ёзувига эга бўлган кўринишдаги векселли талабнома. Талабномани берган шахс (авалчи) ушбу талабнома (вексел) бўйича ҳар қандай мажбуриятнинг бажарилишига масъул шахслар (акцептант, вексел берувчи, индиссантлар) вексел эгаси олдида масъулиятни ўз бўйнига олади. Авал векселнинг ҳамма қийматига ёки унинг бир қисмига қабул қилиниши мумкин. Вексел бўйича асосий қарздор масъулияти тўхтаганда авалчи ҳам масъулиятдан озод бўлади. Авал векселнинг олд томонига ёки қўшимча варақда, яъни олишда оддий имзо чекиш йўли билан амалга оширилади. Авал векселнинг ишончлилигини оширади ва бу билан векселнинг муомалада бўлишига ёрдам беради.
***Аверс*** (аверс, avers) – Танга, медалларнинг олд томони.
***Авизо*** (авизо, avizo) – Ўзаро ҳисоб-китоблар, пул ўтказиш, товарларни жунатиш қилиб жунатиш ва ҳоказоларни контрагент бошқа контрагентга юборадиган пайтда ўзгаришлар ҳақида уларни расмий равишда хабардор қилиш. Банклар авизо ёрдамида счётлар бўйича дебет ва кредит ёзувлар, счётда қолган қолдиқ маблағлари, ўтказилган пулларга тўланган тўловлар, берилган чеклар, очилган аккредитивлар ҳақида ўз мижозларини огоҳ қилади. Авизода одатда унинг рақами, санаси ва операция мазмуни, қиймати, ҳақ тўловчининг ва олувчининг номи кўрсатилади.
***Ависта*** (ависта, avista) – Векселда ёки пулли ҳисоб-китоблар қилинадиган бошқа ҳужжатда ушбу ҳужжат кўрсатилганда ёки у кўрсатилган кундан эътиборан ўтган маълум муддатда мазкур ҳужжат бўйича ҳақ тўланиши кераклигини тасдиқловчи ёзув.
***Автоматлаштириш*** (автоматизация, automation) – Машиналар, механизмлар, ускуналар ёрдамида инсон иштирокисиз фақат унинг назорати остида ишлаб чиқариш, бошқариш ва жамият функцияларини амалга ошириш, мутлоқ кам ишчилар иштирокида механик жараённи бажариш.

***Авторитаризм*** (авторитаризм, authoritarianism) – Обрў, нуфуз, хўжаликни бошқариш усули, якка шахснинг хўжаликни ўз таъсири, ташкилотчилиги, шижоати ва хўжаликни яхши билиши асосида бошқариш.

***Авуарлар*** (авуары, assets) – 1) Мажбуриятлар сотилиши ва ўрни тулдирилишида амалга ошириладиган активлар (пул маблағлари, чеклар, векселлар, пул ўтказиш, аккредитивлар). Авуарларнинг турлари: чекланмаган эркин ҳолда фойдаланиладиган давлат ёки банклар ихтиёрида бўладиган; фойдаланишнинг маълум тартиби билан белгиланган; 2) банкнинг хорижий банклар-корреспондентларидаги счётида хорижий валюта куринишидаги маблағлари.

***Агент*** (агент, agent) – Юридик ёки жисмоний шахс бўлиб, фирманинг ҳисобидан ёки унинг номидан унинг хизматчиси бўлмай туриб ҳам, бошқа шахснинг топшириғи бўйича операцияларни амалга оширувчи шахс.

***Аграр муносабатлар*** (аграрная отношения, agrarian relations) – Ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

***Аграр сиёсат*** (аграрный политика, agrarian policy) – Давлатнинг аграр (қишлоқ хўжалиги) муносабатлар соҳасидаги фаолияти бўлиб, у аграр масалаларни, ер мулкчилигини ва ҳоказоларни ривожлантириш йўллари ҳақидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган иқтисодий сиёсат.

***Агросаноат интеграцияси*** (аграрно-промышленная интеграция, agrarian and industrial integration) – Қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёни.

***Агросаноат мажмуаси*** (аграрно-промышленный комплекс, agrarian and industrial complex) – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (етиштириш), тақсимлаш, қайта ишлаш ва истеъмол қилиш бўйича ўзаро иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ халқ хўжалиги тармоқларнинг йиғиндиси.

***Аддендум*** (аддендум, addendum) – Шартномага қўшимчалар, тўлдиришлар киритиш мумкинлигини билдирадиган сўз.

***Ажио*** (ажио, agio) – Вексел, пул, қимматли қоғозларнинг номинал нархларидан кўтарилиши томонга ўзгариши.

***Ажиотаж талаб*** (ажиотажный спрос, excessive demand) – Бозордаги шов-шув таъсирида сунъий пайдо бўладиган ва тез суръатлар билан ортиб борадиган талаб.

***Айиқлар*** (медведия, bears) – Иқтисодиётдаги хўжалик фаоллиги пасайишини пойлаб турадиган чайқовчилик қатнашчилари.

***Айланма капитал*** (оборотный капитал, turnaround capital) – Ишлаб чиқариш жараёнида бир доиравий айланиш давомида тўлиқ истеъмол қилиниб, ишлаб чиқариш натижаларига тўлиқ ўтадиган капитал.

***Айирбошлаш*** (обмен, exchange) – Алмашиш, айирбошлаш, бирор товарни бошқа товар ёки маҳсулотга алмаштириш.

***Аккредитив*** (аккредитив, accredit) – Аккредитив хатда кўрсатилган шартларни бажаришда жисмоний ёки юридик шахсларга маълум тўлов тўлаш ҳақида банк тўловномаси.

***Акселератор*** (акселератор, accelerator) – Иқтисодиётда, истеъмол сарф харажатларининг ҳажми ўзгариши билан юзага келадиган капитал қўйилмалари ҳажмининг ўзгаришини тавсиф этувчи кўрсаткич. Акселерация тамойилининг моҳияти шундан иборатки, иқтисодиётда истеъмол харажатлари динамикаси инвестициялар ҳажми динамикасига ўз таъсирини кўрсатади: истеъмол харажатларининг сезиларли ўсиши инвестиция фаоллигини юзага келтиради, рағбатлантиради ва аксинча.

***Актив*** (актив, asset) – 1) Компанияга тегишли бўлган, пул маблағлари, бино ва ускуналар (асосий капитал), қимматли қоғозлар ҳамда патентлар ва “фирма қиймати” (ёлланма активлар); 2) корхонанинг моддий ва номоддий қийматларини акс эттирадиган бухгалтерлик баланс қисми.

***Активлар нархи*** (цена активов, prise actives) – Молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш вақтидаги нархи.

***Актив операция*** (активная операция, active operation) – Даромад олиш мақсадида корхонага тегишли қийматларга эга бўлган ресурсларни жойлаштириш.

***Актив савдо баланси*** (активный торговый баланс, trade surplus) – Мамлакатдан четга чиқарилаётган товарларнинг мамлакатга кириб келаётган товарлардан ошиб кетишлигини характерловчи савдо баланси.

***Актив тўлов баланси*** (активный платежный баланс, balance of payments surplus) – Мамлакатнинг чет элдан тушадиган тушумлари қиймати, унинг хорижий сарф-харажатлар ва тўлов қийматиларидан ошиб кетадиган тўлов баланси.

***Акцепт*** (акцепт, acceptance) – 1) Бошқа томон таклифига мувофиқ шартнома тузишга розилик; 2) халқаро ҳуқуқда - шартнома шартларига боғлиқлиги ҳақидаги бир томонлама ариза.

***Акцептлаш*** (акцептовать, to accept) – “Таъкидламоқ” деган маънони билдиради. Фирмага сақлаш учун бериладиган ва унга пул қуйувчиларга сотиш учун топширилган компания акцияларини чиқариш шартлари; таклифни қабул қилиш, мажбуриятни бажариш, ҳужжатни тўлаш учун розилик ёки бу розиликни тасдиқлаш. Агар акциялар миқдори кўп бўлса, фирма таваккал қилади, чунки акцияларнинг ҳаммаси тарқатилмаслиги мумкин, лекин операция муваффақиятли ўтказилса, воситачилик даромади катта бўлади.

***Акцизлар*** (акцизы, excise) – Асосан, оммавий истеъмолдаги товарлар ва хусусий корхоналарнинг нархига ёки тарифига қўшиладиган бевосита товарларга солинадиган солиқ тури.

***Акциз солиқ*** (акцизный налог, excise tax) – Айрим товарлар ишлаб чиқариш ёки сотишга солинадиган солиқ.

***Акция*** (акция, share) – Акционерлик жамияти чиқарадиган ва унинг эгасига жамият оладиган фойда (дивидент)дан маълум миқдорда даромад олиш ҳуқуқини берадиган қимматбаҳо қоғоз.

***Акциядор*** (акционер, stockholder) – Корпорация (компания) акцияларининг эгаси.

***Акциядорлик жамияти*** (акционерное общество, joint-stock company) – Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланмаган хўжалик юритувчи субъект.

***Акционер банк*** (акционер банк, stockholder bank) – Акционер компаниялар сифатида юзага келган банклар бўлиб, акциялар чиқариш ҳисобидан уларнинг устав капиталининг асосий қисмидан юзага келади.

***Акция индекслари*** (индексы акций, index of stocks) – Акциялар курсининг ўзгариб боришини кўрсатадиган рўйхат. Масалан, Доу-Джонс индекси; DAX-30 индекси (Франкфурт фонд биржаси) ва бошқалар.

***Акция курси*** (курс акций, share rate) – Акциянинг фонд биржасида сотиладиган баҳоси. Акция курси муайян акция келтирадиган даромад (дивидент)нинг ссуда фоизига нисбати асосида белгиланади.

***Акцияларнинг назорат пакети*** (контрольный пакет акций, control packet of shares) – Акционерлик жамияти фаолиятини тўла назорат қилиш учун зарур бўлган акциялар қисми. Назарий жихатдан бу овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар умумий сонининг 51 фоизи бўлиб амалиётда бир мунча кам (20-30 фоиз) бўлиши ҳам мумкин.

***Амортизация*** (амортизация, amortization) – Эскираётган асосий фондлар қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига астасекин ўтказиш. Пул маблағларининг мақсадли жамғарилиши ва уларнинг кейинчалик эскирган асосий фондлар ўрнини тўлдириш учун қўлланилади.

***Амортизация ажратмалари*** (амортизационные отчесления, capital consumption allowances) – Бу асосий фондларнинг эскирган ўрнини секин-аста тўлдириш учун ажраиладиган маблағлардир. Амортизация ажратмалари тўлиқ ва қисман тикланишларга, яъни асосий фондларни капитал таъмирлашга ишлатилади. Тўлиқ тикланадиган амортизация ажратмалари фақат жисмоний эскиришини эмас, балки асосий фондларнинг маънавий эскиришини ҳам қоплаши керак. Чунки техник жиҳатдан эскирган объектлар гарчи жисмонан ишга яроқли бўлсада, иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиб қолади.

***Амортизация нормаси*** (норма амортизации, amortization norm) – Амортизация ажратмалари йиллик қийматининг асосий капитал қийматига нисбатининг фоизи.

***Амортизация фонди*** (амортизационный фонд, amortization fund) – Асосий фондларни оддий ва кенгайтирилган тарзда ишга туширишга мўлжалланган пул маблағлари.

***Андерлаинг*** (андерлаинг, underlying) – Опцион контракт шартларига мувофиқ сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқи мавжуд бўлган қимматли қоғозлар.

***Андеррайтинг*** (андеррайтинг, underwriting) – 1) Қимматбаҳо қоғозларнинг биринчи марта бозорда жойлаштирилиши, сотилиши; 2) қимматбаҳо қоғозларни эмитент ва андеррайтинг гарантлари (пул) ўртасида жойлаштирилиши учун тузиладиган шартнома.

***Аннуитет*** (аннуитет, annuity) – 1) Ўзоқ муддатли давлат заёмининг бир тури бўлиб, унда кредитор ҳар йили қарз капитал қийматини, унинг фоизлари билан

бирга секин-аста тўлашни ҳисобга олиб, белгиланадиган маълум миқдордаги даромаднинг олиниши; 2) саналаштирилган вақтинчалик давр мобайнида, тенг вақт оралиғида ишлаб чиқариладиган тенг ҳажмли тўловлар. Бундай товарларга компенсация шартномалари бўйича кредитларни мунтазам қоплаш, амортизация фондлари яратиш, суғурта бадаллари, қарз тўловлари ва бошқалар киради.

***Аннотоцизм*** (аннотоцизм, annotation) – Фоизлардан фоиз олиш, фақат дастлабки миқдордан эмас, шу билан бирга ўтган вақтда ошган фоизлардан ҳам фоиз ҳисоблаш.

***Антимонопол сиёсат*** (антимонопольный политика, antimonopoly polity) – Иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини яратиш, монополияларга қарши курашиш сиёсати.

***Антимонопол қўмита*** (антимонопольная комитет, antimonopoly committee) – Товар бозори ва рақобатни ривожлантириш, корхонанинг монопол фаолиятини чеклаш ва тартибга солиш бўйича давлат сиёсатини юритувчи орган.

***Анъанавий иқтисодиёт*** (традиционная экономика, traditional economy) – Иқтисодий тизим; ундаги чекланган ресурслар одатга мувофиқ тақсимланади; ундаги ўзгариш ва ривожланиш суръатлари жуда паст бўлади; одамларнинг ота-оналари шуғулланиб келган ишлар билангина шуғулланади: маҳсулотнинг кўп қисми ишлаб чиқарилган жойнинг ўзида истеъмол қилинади.

***Аралаш иқтисодиёт*** (смешанная эконимика, mixed economy) – Иқтисодий тизим; у ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик унсурларини хусусий мулк унсурлари билан бирлаштиради.

***Аралаш компания*** (смещенная компания, mixed company) – Ҳиссадорлик жамиятлари шаклида ташкил этилган, акциялари давлатга ва хусусий омонатчиларга сотиладиган, давлат томонидан пул ва дотация берилиш имтиёзларига эга бўлган компания.

***Аралаш мулк*** (смешанное имущество, mixed property) – Турли мулк шаклларининг синтезидан ташкил бўлади.

***Арбитраж*** (арбитраж, arbitration) – 1) Битта товарнинг ўзига қўйилган нархлар ўртасидаги фарқдан фойда олиш мақсадида битта ёки бир нечта бозорлардан бир вақтнинг ўзида ҳарид қилиш ва сотиш (контрактлар) операцияси; 2) битта бозорнинг ўзида ҳар хил муддатларда олиб келинган, товарларга одатдан ташқари, исталган нархлардан фойда олиш мақсадида амалга ошириладиган операциялар; 3) тижорат ва мулкий келишмовчиликларни (можароларни) ҳал қилиб берадиган орган; 4) томонларнинг ўзлари сайлаган ёки уларнинг розилиги билан тайинлаган ёки қонунда белгиланган тартибда арбитрларга мурожаат қилиш йўли билан мажороларни ҳал қилиш усули.

***Асосий капитал*** (основной капитал, basically capital) – Ишлаб чиқариш жараёнида бир неча доиравий айланишлар давомида қатнашиб, ўзининг қийматини тайёрланаётган маҳсулот (хизмат)га бўлиб-бўлиб аста секинлик билан ўтказиб борадиган ишлаб чиқариш воситалари.

***Ассоциация*** (ассоциация, association) – Юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бирлашмаси.

***Аудит*** (аудит, audit) – Хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботларни, бухгалтерия ҳужжатларини аудиторлик фирмалари томонидан амалдаги қонун доирасида мустақил экспертиза ва таҳлил қилиш.

***Аудитор*** (аудитор, auditor) – Корхоналарнинг молиявий фаолиятини назорат қилувчи, таҳлил қилувчи ва шунингдек, бухгалтерия ҳисоблари ва балanslари (якуний нисбат) бўйича хулосалар бериш ҳуқуқига эга бўлган, бошқаларга боғлик бўлмаган мустақил мутахассис.

***Аудиторлик фирмаси*** (аудиторская фирма, auditor firm) – Корхона (фирма), компаниялар молиявий хўжалик фаолиятини текшириб борувчи, улар ҳисоботини экспертизадан ўтказувчи идора.

***Аукцион*** (аукцион, auction) – Товар ёки мол-мулкдан энг юқори нарх таклиф қилган шахс томонидан катта омма олдида ошкора сотиб олиниши (ким ошди савдоси). Аукцион сотувчининг ўзи ташкил қилган, мажбурий ёки бу муносабатларда комиссионер сифатида чиқадиган махсус ташкилот орқали амалга ошириладиган ким ошди савдоси бозори.

***Аутрайт*** (аутрайт, outright) – Оддий муддатли валюта битими бўлиб, битим тузувчи томондан қатъий белгиланган муддатларда «Форвард» курси бўйича тўловларни кўзда тутади.

***Аутсайдерлар*** (аутсайдеры, outsider) – 1) Бозорда кам аҳамиятли ўринни эгалловчи фирма ва компаниялар; 2) халқаро кемасозликда бозорда мунтазам конференциялар доирасида фаолият кўрсатадиган кемасозлик корхоналари ва улар билан рақобат қилувчилар.

***Аҳоли даромадлари*** (доходы населения, income population) – Аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натура шаклида олган даромадлари миқдори.

***Аҳолининг бандлиги*** (занятость населения, employment of the population) – Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг фуқаролик секторида банд бўлган ва мамлакат қонунчилиги томонидан аниқланган нормаларга мос равишда ҳисобга олинадиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли.

***Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш*** (социальная защита населения, social protection the population) – Аҳолини бозор иқтисодиётининг салбий иқтисодий ва ижтимоий оқибатларидан сақлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ўсишини таъминлаш.

## Б

***Базис йили*** (базисный год, base year) – Индексларни тузишда 100 фоиз деб қабул қиладиган муайян кўрсаткич учун аҳамиятли йил.

***Базис нархлар*** (базизные цены, basis prisec) – Молнинг сифати ёки сортини аниқлаш учун белгиланадиган нарх, у олди-сотди битимида келишилган бўлади ва етказиб бериладиган молнинг ҳақиқий нархини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

***Баланс*** (баланс, balance) – Фирманинг актив ва пассивлари ва унинг ўз сармоясини жамлаб ифодаланадиган молиявий ҳужжат.

***Балансли қиймат*** (балансовая стоимость, balance cost) – 1) Ўзоқ муддатли активнинг йиғилиб қолган эскириш қиймати чегириб ташлангандан кейинги

қоладиган дастлабки қиймати; 2) компаниянинг баланс қиймати; мажбуриятлар йиғиндиси чегириб ташлангандан кейин қоладиган соф активлар ва йиғма активлари; хусусий капитал; 3) акциянинг баланс қиймати; компаниянинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида аниқланади; компаниянинг йиғма активлари ва йиғма мажбуриятлари ўртасидаги фарққа имтиёзлаштирилган қимматли қоғозларнинг тугатилиши қиймати, муомалага киритиш учун чиқарилган оддий акциялар сонига тақсимланиб олинган қиймат, у оддий акцияларнинг баланс қийматидан иборат бўлади.

***Бандлик*** (занятость, employment) – Ижтимоий меҳнатга қобилиятли бўлган аҳоли даражаси.

***Банк*** (банк, bank) – Италъянча “Banca” сўзидан олинган бўлиб “пуллик стол” деган маънони англатади. Банк вақтинча буш пул маблағлари (қуйилмалар, омонатлар)ни ўзида сақлайди, иқтисодиёт объектларига кредит (заём, ссуда)лар беради, корхоналар, муассасалар ёки алоҳида шахслар билан ўзаро тўловлар ва ҳисоб-китобларда воситачилик қилади.

***Банк активлари*** **(**банковские активы**,** bank actives**)** – Банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан, банк кредитлари, асосий воситалар, сотиб олган қимматли қоғозлар, инвестициялар ва валюта кўринишида бўлади.

***Банк акцепти*** (банковский акцепт, bank acceptance) – Банкнинг тўлов ҳужжатларини тўлашга розилик билдириши, уларнинг туланишини кафолатлаш шакли; тегишли банк-акцептант ёзуви кўринишида расмийлаштирилади.

***Банк депозити*** (банковские депозит, bank the deposit) – Банкка унинг мижозлари томонидан зарур бўлган вақтда маълум миқдорда пул маблағлари олиш учун жойлаштирилган ва қўйилган жамғармалар.

***Банк захиралари*** (банковские резервы, bank reserves) – Банкда сақланаётган нақд пуллар, Марказий банкда сақланаётган фоизсиз депозитлар.

***Банк капитали*** (банковский капитал, banking capital) – 1) Банкларга жалб қилинган ва улар томонидан кредит ҳисоб-китоб ва бошқа операциялар учун фойдаланадиган пулли капиталлар йиғиндиси яъни банкнинг ресурслари; 2) банк капиталининг оз қисмини ташкил этувчи банкларнинг ўз капитали.

***Банк кафолати*** (банковская гарантия, bank guarantee) – Ўз мижози учун кафолатчи банкнинг кафолат бериши. Мижоз муддатида қарзини тўлай олмаса, банк тўловни ўз ҳисобидан амалга оширади.

***Банк кредити*** (банковский кредит, bank credit) – Кредитнинг асосий шакли бўлиб, унда пул маблағлари вақтинча фойдаланиш учун банклар томонидан берилади.

***Банклараро клиринг*** (клиринг между банками, clearing between banks) – Банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ўзаро пул талабларини ҳисобга олиш йўли билан бажарилади. Купчилик мамлакатларнинг ички ҳисоб-китобларида чек ва вексел (қарз ҳужжати) клиринглари қўлланилади.

***Банк назорати*** (банковский надзор, bank control) – 1) Марказий банк томонидан банклар фаолиятининг назорат қилиниши; 2) банк кредитининг дебитор томонидан сарфланишини назорат қилиш.

***Банкнинг комиссион фоизи*** (комиссионный процент банка, commission percent of bank) – Ўз мижозининг манфаати йўлида банк операцияларини амалга оширганлик учун банкка ажратиладиган комиссион ажратмалар.

***Банкларнинг кредит портфели*** (кредитный портфель банка, credit portfolio of bank) – Тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси. Улар қуйидагича таснифланади: 1) яхши; 2) стандарт; 3) субстандарт; 4) шубҳали; 5) умидсиз. Тижорат банкларига маълум санага ссуда ҳисобварақаларида қолган пул маблағлари мажмуаси (қолдиғи).

***Банкнинг ликвидлилиги*** (банковская ликвидность, bank liquidity) – Банкнинг ўз активлари ва пассивлари нисбати ҳамма структураси билан белгиланадиган мажбуриятларини муддатида қоплаш қобилияти.

***Банкноталар*** (банкноты, bank note) – Банк билетлари - марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган пул белгилари. Ҳозирги кунда улар қоғоз пулларнинг асосий тури ҳисобланади.

***Банкнотлар муомаласи, ҳаракати*** (операции по банкнотам, operations on banknotes) – Марказий банк томонидан чиқарилган муомала ва тўлов воситаси сифатидаги банк билетларининг фаолият кўрсатиши.

***Банкнотлар таъминоти*** (обеспеченность банкнот, ensure of banknotes) – Банкнотлар чиқарадиган банк мулкидаги пулга айлана оладиган, осон сотиладиган қимматбаҳо нарсалар, масалан, нодир металлар, чет эл валютаси ва ҳоказо.

***Банк операциялари*** (банковские операции, banking operations) – Банкларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни жойлаштириш, пулларни муомалага киритиш ва уларни муомиладан чиқариш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва ҳоказо. Банк операциялари пассив банк операциялари, актив банк операциялари ва комиссия (воситачи) операцияларига бўлинади.

***Банк процентi*** (фоизи) (банковские процент, bank percent) – 1) Пул ссудаси (қарзи) фойдаланилганлиги учун банк оладиган устама тўлов, фоиз ҳисобида; 2) қўйилган пулларни сақлаб берилгани ва заёмлар берилганлиги учун банк томонидан тўланадиган тўловлар, фоиз ҳисобида.

***Банк ресурслари*** (банковские ресурсы, bank resources) – Банкларнинг ихтиёрида бўлган ва улар томонидан кредит, инвестиция ва бошқа актив операциялари учун фойдаланиладиган маблағларнинг йиғиндиси. Банк ресурслари ўз маблағлари ва жалб этилган маблағларга бўлинади. Ўз маблағларига банкнинг устав ва захира фондлари, бошқа фондлари киради. Жалб этилган ресурсларга – бу банк мижозлари (юридик ва жисмоний шахсларнинг) ҳисоб-китоб, жорий, депозит ва бошқа ҳисобварақларидаги маблағлар, жамоат ташкилотлари, хилма-хил ижтимоий фондларнинг маблағларидир. Эмиссия, оборотдаги пуллар, ҳисобварақларидаги маблағлар, бюджет маблағлари, аҳоли жамғармаларининг бир кисми, валюта ва олтин заҳираларига қўйилган маблағлар марказий банк ресурслари ҳисобланади.

***Банкрот*** (банкрот, bankrupt) – Ўз қарзларини тўлаш имкониятларга эга бўлмаган юридик шахс.

***Банкротлик*** (банкротство, bankruptcy) – Қарзли ночорлик, тадбиркорнинг ўз қарз мажбуриятлари бўйича маблағи бўлмаганлиги учун тўлашдан бош

тортиши. Компания суднинг қарз мажбуриятлари бўйича ҳисоблашиш қобилияти йўқлиги ҳақидаги қароридан сўнг формал даражада банкрот бўлиб қолади. Суд корхонанинг ўз илтимоси (ўз ҳоҳиши бўйича тугатилиши) ёки унинг кредитлари талаби билан (мажбурий тугатилиш) ҳақида қарор чиқаради.

***Банк тизимининг ликвидлиги*** (ликвидность банковской системы, liquidity of bank system) – Банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

***Банк турлари*** (виды банков, kinds of banks) – Маълум белгиларига, фаолият кўрсатиши ва бажарадиган функцияларига қараб бўлинадиган банклар. Мулк шаклига қараб акционер, ноакционер, коорпоратив, давлат, аралаш, хусусий, халқаро банкларга бўлинади. Миллий мавқеи бўйича: Миллий ҳамда хорижий банкларга, шунингдек депозит, универсал ва ихтисослашган банкларга бўлинади.

***Банк фойдаси*** (прибыль банка, profit of bank) – Банкдан олинган ва банкка тўланган фоиз қиймат ўртасидаги фарқ.

***Банк чеки*** (банковский чек, check of bank) – Банкнинг хорижий банк корреспондентга маълум миқдордаги пулни чек эгасига унинг шу банкда мавжуд бўлган корреспонтлик варақасидан тўлаш тўғрисидаги ёзма бўйруғи.

***Банкнинг эмитентлашган маблағлари*** (эмитентные средства банка, emitter means of bank) – Банклар мижозларнинг маблағларидан етарли даражада узоқ муддатда фойдаланадиган маблағлари.

***Бараварлаштирувчи солиқ*** – Имтиёзларнинг кўп қисмини эътиборга олмайдиган ва барча турдаги даромадларидан тенг ставка олинадиган солиқ.

***Бартер*** (бартер, barter) – Товар ва хизматларни пулсиз тўғридан-тўғри айирбошлаш.

***Бартер битими*** (бартерный договор, barter contract) – Пулсиз, натура шаклида бир товарни бошқасига айирбошлаш юзасидан томонларнинг келишуви.

***Баҳолар асосидаги рақобат*** (конкуренция на основе ценам, competition on a basis to the prices) –Харидорларга сифат жиҳатдан бошқа ишлаб чиқарувчилар ёки фирмалар товарларига ўхшаш, лекин анча арзон товар сотиб олишни таклиф қилиш.

***Баҳолар масштаби*** (масштаб цен, measure of prices) – Мамлакатда пул бирлиги сифатида қабул қилинган олтин ёки кумуш миқдори. Барча товарлар баҳосини ва ўлчашини белгилаш учун хизмат қилади.

***Белгиланган алмашув курси*** (установленный обменный курс, fixed exchange rate) – Миллий валютанинг чет эл валюталарига нисбатан анъанавий тарзда белгиланадиган ва ўзгармас тизимга асосланган курси.

***Бизнес*** (бизнес, businees) – Фойда берадиган иқтисодий фаолият, ҳар қандай даромад ёки бошқа шахсий фойда келтирадиган тадбиркорликни исталган тури билан шуғулланувчи тадбиркор.

***Бизнес одоби*** (деловая этика, business ethics) – Тадбиркорликни виждонан юритиш талаби.

***Бизнесмен*** (бизнесмен, businessman) – Комерсант, даромад ёки бошқа шахсий фойда келтирадиган иқтисодий фаолиятнинг исталган қонуний тури билан шуғулланувчи тадбиркор.

***Бизнес стратегияси*** (стратегия бизнеса, strategy of business) – Энг юкори даражада фойда олиш йўлидаги ҳаракат йўналиши.

***Бизнес режа*** (бизнес план, business plan) – Корхона келажагининг асосий жиҳатларини, келгусида дуч келадиган барча муаммоларни ва уларни ечиш йўлларини ёритиб берадиган ҳужжат.

***Биметаллизм*** (биметаллизм, bimetallism) – XVI - XVII асрларда кенг тарқалган бўлиб, пул тизимида умумий эквивалент ролини олтин ва кумуш орқали эркин муомалага чиқарилган ва чексиз алмашишга эга бўлган пул тизими.

***Биржа*** (биржа, bourse) – Улгуржи бозорнинг доимий ишлаб турадиган асосий шакли бўлиб, унда қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси (фонд биржаси), валюта олди-сотдиси (валюта биржаси) ёки стандартлар ва намуналар бўйича товарлар сотиладиган (товар биржаси) муассасаси. Биржалар горизантал хўжалик алоқларини ташкил қилиш жарёнида воситачилик қиладилар

***Биржадан ташқари бозор*** – Бутун мамлакат ҳудудида жойлашган, йирик фирмаларда рўйхатдан ўтмаган чоғроқ фирмаларнинг акцияларини сотиш ва сотиб олишда қатнашадиган брокерлик фирмалари.

***Биржа курси*** (биржевой курс, bourse rate) – Биржада муомалада бўладиган қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигациялар)нинг сотув баҳоси. акцияларнинг биржа курси дивидент миқдорига тўғридан-тўғри ва пул бозоридаги ссуда фонди даражасига эса тескари тарзда боғлиқ бўлади.

***Биржа листинги*** (биржевой листинг, bourse listing) – Биржа товарларини биржа бюллетини (ахборотномаси)га киритган ҳолда биржа савдоларига қуйиш тарғиботи.

***Биржа савдолари электрон тизими*** – Биржа аъзоларига республиканинг ҳар бир географик нуқтасидан аниқ вақт режимида ўзоқ масофадан туриб биржа савдоларида иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат глобал тақсимланган ахборот тизими.

***Биржа чайқовчилиги*** (биржевая спекуляция, bourse speculation) – Битимни тузиш ва уни бажариш пайтидаги курслар орасидаги фарқдан чайқовчилик фойдаси олиш мақсадида биржада қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш.

***Бирламчи маҳсулотлар*** (первичные продукты, primary products) – Савдо белгиларисиз ва фабрика маркаларисиз сотиладиган товарлар.

***Битишув баённомаси*** (протокол намерения, protocol of intent) – Харидор ва сотувчига биржа савдоларини ўтказиш якунлари бўйича бериладиган, сотувчининг, харидорнинг вакиллари ва биржа брокери томонидан имзоланган, тарафларни белгиланган муддатда талаб ва таклиф нархи бўйича, биржа савдолари натижаларига кўра харид қилинган ҳажмдаги маҳсулотнинг олди-сотди шартномасини тузиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжат.

***Битим*** (сделка, bargain) – Ички хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолиятлар соҳасида юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни ўзгартириш ёки тўхтатишга йўналтирилган ҳаракат.

***Бож*** (пошлина, tariff) – Божхона назорати томонидан четдан олиб келинадиган товарлардан чегарада ундириладиган пул йиғими.

***Божхона*** (таможня, custom) – Товар (хизмат), маҳсулотларнинг экспорти ва импорти операцияларини назорат қилувчи ва бож тўловларини ундирувчи ташкилот.

***Божхона божлари*** (таможенный платежи, customs payment) – Миллий чегарадан олиб ўтадиган товарларга маълум бир ставкалар бўйича давлат ундирадиган тўлов.

***Божсиз юк келтириш*** – Божхона божларидан озод этилган товарлар импорти бўлиб, у алоҳида товарларга ёки бир гуруҳ мамлакатлардан келадиган импорт товарларга нисбатан қўлланилади ва у вақтинча ёҳуд ўзоқ муддатли бўлиши мумкин.

***Божхона иттифоқи*** (таможенный союз, customs union) – Ягона божхона тарифларини ташкил этиш ва божхона чегараларига чек қуйиш мақсадида икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг келишуви. Божхона иттифоқи аъзоси бўлган давлат товарини бошқа божхона иттифоқи аъзоси бўлган давлат ҳудудига бож тўловларисиз киритади.

***Бозор*** (рынок, market) – Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчи ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндиси.

***Бозор интервенцияси*** (рыночная интервенция, market intervention) – Миллий ёки регионал бозорга ташқаридан суқилиб кириш ва уни ўзига тобе этиш.

***Бозор инфратузилмаси*** (рыночная инфраструктура, market infrastructure) – Бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишига хизмат кўрсатувчи муассасалар тизими. Масалан: банк, кредит уюшмалари, товар биржалари ва бошқалар.

***Бозор ислоҳотлари*** (рыночные реформы, market reform) – Бозор иқтисодиётини ва бошқа муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

***Бозор иқтисодиёти*** (рыночная экономика, market economy) – Товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласига асосланган иқтисодий монополизмни инкор қилувчи, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга асосланган иқтисодий тизим.

***Бозор конъюнктураси*** (рыночная конъюнктура, market conjuncture) – Муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қўйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

***Бозор котировкаси*** (рыночная котировка, market quotation) – Бозорда товар (хизмат)лар талаб ва таклиф асосида нобиржавий валюта бозорида амалга оширилиши.

***Бозор механизмнинг афзалликлари*** (преимущество рыночного механизма, advantage of market mechanism) – 1) Ресурсларнинг самарали тақсимланиши - бозор ресурсларини жамиятга зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришга йўналтиради; 2) ғоят чекланган ахборот мавжуд бўлганида унинг муваффақиятли фаолият кўрсатишининг мумкинлиги; 3) илмий-техника революцияси натижаларидан оқилона фойдаланиш. Товар ишлаб чиқарувчилар

энг юқори даражада фойда олишга интилиб таваккал қиладилар, янги товарлар ишлаб чиқарадилар, янги технологияларни киритадилар, бу эса уларга рақобатчилари олдида вақтнинг афзалликларига эга имконини беради; 4) истеъмолчилар ва тадбиркорларнинг эркин танлаши ва ҳаракат қилиши. Улар ўз қарорларини қабул қилиш, турли битимлар тузиш, ишчи кучини ёллаш ва ҳоказоларда мустақилдирлар; 5) хилма-хил эҳтиёжларни қондириш, товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, тенгсизликка тезроқ тузатиш киритиш қобилятини намоён қиладилар.

***Бозор механизмининг камчиликлари*** (недостатки рыночного механизма, defícts of market mechanism) – 1) Такрор ишлаб чиқарилмайдиган ресурсларнинг сақланишига кўмаклашмайди; 2) атроф муҳитни ҳимоя қилишнинг иқтисодий механизмига эга эмас, фақат қонуний ҳужжатлар тадбиркорларни турли хил экологик ишлаб чиқаришни яратиш учун маблағ сарфлашга мажбур этиши мумкин; 3) бозор ижтимоий зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришга эмас, балки пули бор одамларни эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган.

***Бозор мувозанати*** (рыночное равновесие, market balance) – Бозордаги талаб ва таклифнинг миқдори ва тартиби жиҳатидан бир бирига мувофиқ келиши. Бозор мувозанатини таъминлашни асосий йўллари: товар ишлаб чиқаришни талаб даражасига етказиш орқали бозорни тўлдириш; етарли товарлар захирасини барпо этиш; талабгор товарлар нархини ошириш; ўтмай турган товарлар нархини пасайтириш; экспорт ва импортнинг ортиши ёки камайиши; аҳоли даромадларининг товарлар ва хизматлар кўпайишига қараб ортиб бориши; меҳнат унумдорлигининг иш ҳақига нисбатан тезроқ ўсиши. Бозор мувозанати маърифатли жамиятда бозорни тартибга солиш орқали таъминланади.

***Бозор объекти*** (объект рынка, object market) – Бозорга айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолиятнинг натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштириладиган молиявий активлар.

***Бозор субъекти*** (субъект рынка, subject market) – Бозорнинг, айирбошлаш муносабатларининг қатнашувчилари.

***Бозор тизимлари*** (рыночные системы, market system) – Бозорлар қўйидаги асосий турларга – суббозорларга, бозор сигментларига бўлинади. Умуман бозор бой ва мураккаб тузилиши билан характерланади. У турли мезонлар бўйича тавсифланади: 1) бозор муносабатлари объектларининг иқтисодий аҳамияти бўйича истеъмол моллари ва хизматлари бозори, саноат моллар бозори, оралиқ моллар бозори, ноу-хау бозори, хомашё бозори, меҳнат бозори, қимматли қоғозлар бозори, чайқов бозори, иккиламчи хомашё бозори ва бошқалар; 2) географик ҳолати бўйича маҳаллий, миллий, жаҳон; 3) рақобатни чеклаш даражаси бўйича - монополистик, олигополистик, монопсоник, эркин, аралаш; 4) тармоқлар бўйича - автомобил, комъпютер, нефт ва бошқалар; 5) сотиш хусусиятига кўра улгуржи, чакана бозорларга бўлинади.

***Бозор қиймати*** (рыночная стоимость, market value) – Харажатлари белгиланган тарзда ишлаб чиқарилган товарнинг қиймати. Бу қиймат товарларни бозордаги баҳосини тартибга солиб туради.

***Бойкот*** (бойкот, boycott) – Ўз ходимлари билан можародаги фирма билан иш юритишдан бош тортиш.

***Бонификация*** (бонификация, bonification ) – Олиб келинган маҳсулотларнинг сифати шартномада келишилган сифатига кўра баландроқ бўлганда, маҳсулотларга қуйиладиган қўшимча нарх.

***Бонн*** (бонн, boon) – Шартнома тузган томонларнинг қисқа муддатли мажбуриятлари.

***Бонлар*** (боны, bond) – 1) Давлат хазинаси томонидан чиқариладиган, шунингдек, баъзи муассаса ва корхоналар томонидан ҳам чиқариладиган қарзли мажбуриятлар; 2) майда пул сифатида вақтинча оборотга чиқариладиган кам қийматли қоғозли пуллар.

***Бонус*** (бонус, bonus) – Сотувчи ўз маҳсулотларининг нархини харидор билан келишилган ҳолда пасайтирилиши (арзонлаштириш).

***Босқичма-босқич ўтиш*** (поэтапный переход) – Жамият тараққиётининг, унинг бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтишнинг асосий шаклларидан бири.

***Бошқариш*** (управлять, administer) – 1) Бошқариш, идора қилиш; 2) субъект ва органлар томонидан кишилар ҳамда иқтисодий объектларга уларнинг ҳаракатини йўналтириш ва кутилган натижага эришиш учун амалга ошириладиган онгли равишдаги мақсадли таъсир.

***Брокер*** (брокер, broker) – Воситачи манфаатдор томонидан - мижозлар ўртасида уларнинг топшириқлари ва ҳисобидан турли (тижорат, кредит, суғурта ва бошқалар) ишларни амалга оширишда кўмаклашувчи шахс. Брокер комиссион (воситачилик) ҳақи олади. Брокерлик вазифасини фирма ва ташкилотларнинг шахслари бажарадилар. Брокер айнан биржада ўз ишини амалга оширади. Брокер сотувчи ва харидорни "бирлаштиради", лекин ўз ҳисобидан иш юритмайди.

***Бракераж*** (бракераж, brack) – Товарнинг сифати, безатилиши ва транспортбоп қилиб ўралиши белгиланган стандарт ёки шартнома шартларига мос келишини текшириш. Бракераж махсус давлат ташкилотлари ёки ҳакам брокерлар томонидан бажарилади.

***Брутто*** (брутто, brutto) – Бир товарнинг ўрама (упаковка)си билан бирга оғирлиги; сарф харажатлар чегириб ташланмаган пайтдаги ялпи даромад.

***Бум*** (бум, boom) – Амалий фаоллик циклининг юқори нуқтаси, гуркираб ривожланиши; ишлаб чиқариш қувватига тенг ёки деярли тенг бўлган ишлаб чиқариш даражаси.

***Бунак тўлови*** (авансовый платеж, advance payment) – Моддий бойликлар бериш, бирор ишни бажариш ёки хизмат кўрсатишдан аввал бериладиган маълум миқдордаги пул тўлови. Бунак тўлови кредит беришнинг алоҳида шакли бўлиб, у маҳсулот етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ёки хизмат кўрсатувчиларнинг муомаладаги айланма маблағини кўпайтиришга омил бўлади.

***Бундес банк*** (бундес банк, bundes bank) – Германия марказий кредит муассасаси бўлиб, банкнотлар чиқариш, пул муомаласини, кредит ва валюта

курсини бошқариш, расмий олтин-валюта заҳирасини сақловчи, ҳалқаро пул-кредит сиёсатини амалга оширувчи институт.

***Буқалар*** (быки, bulls) – Қимматли қоғозлар қийматини ошиб боришига умид қилувчи чайқов иштирокчилари.

***Бюджет*** (бюджет, budget) – Давлат, корхона, муассасанинг қонуний тартибда тасдиқланган даврга мўлжалланган пул ифодасининг даромади ва сарф харажатлари.

***Бюджетдан молиялаштириш*** (финансирование из бюджета, financing from the budget) – Корхона, муассаса ва ташкилотларнинг сарф харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаш учун давлат бюджетидан қайтариб олинмаслик шарти билан пул ажратилиши.

***Бюджет дефитцити*** (бюджетный дефицит, budget deficit) – Бюджет харажатларининг даромадлар қисмидан ортиқча бўлиши натижасида вужудга келган фарқ.

***Бюджет муассасалари*** (бюджетные учреждения, budget institution) – Барча зарур воситаларни давлат бюджетидан оладиган ноишлаб чиқариш соҳасидаги муассасалар (ижтимоий-маданий, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви, мудофаа, суд, прокуратура органлари).

***Бюджет ресурслари*** (бюджетные ресуры, budget resources) – Давлат бюджетига унинг даромадлари тарзида келиб тушадиган бюджет ресурслари. Улар мамлакат марказлаштирилган молия ресурсларининг катта қисмини ташкил этади.

***Бўйруқбозлик иқтисодиёти*** (авторитарная экономика, command economy) – Ресурсларнинг тақсимлашга таълуқли энг муҳим қарорлари ҳукумат идоралари томонидан қабул қилинадиган иқтисодий тизим.

## В

***Валъвация*** (вальвация, valuation) – Хорижий мамлакатларнинг валютасини миллий валютага таққослаб баҳосини билиш.

***Валюта*** (валюта, currency) – Мамлакатнинг пул тизимига асос қилиб олинган бирлик, пул тизимининг тури (олтин, кумуш, қоғоз) ўз навбатида чет эл пулларини белгилаш учун ҳам ишлатилади.

***Валюта арбитражи*** (валютный арбитраж, currency arbitration) – Банклар фойда олиш мақсадида валютани сотиш ёки сотиб олиб, кейинчалик тескари битим қилиб, валюта курслари фарқи ёрдамида фойда олиш.

***Валюта айирбошлаш*** (обмен валюты, currency exchange) – Хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш операциялари.

***Валюта биржаси*** (валютная биржа, currency market) – Хорижий валюта олди-сотдисини бозор нархлари бўйича мунтазам ва тартибли равишда бошқариш асосида амалга ошерадиган биржа.

***Валюта декларацияси*** (валютная декларация, currency declaration) – Валюта микдори кўрсатилган ҳужжат; чегарадан валюта олиб ўтказилаётганда божхонага кўрсатиладиган ҳужжат.

***Валюта интервенцияси*** (валютная интервенция, currency intervintion) – Марказий банкнинг миллий валюта курсига таъсир қилиш мақсадида чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича ўтказилган операциялари билан валюта бозори фаолиятига аралашувидир.

***Валюта кодировкаси*** (валютная кодировка, currency quotation) – Валюта операцияларини валюта алмаштириш учун тақдим этилган валюталар курсини ва улар орасидаги нисбатни ўрнатиш.

***Валюта курси*** (валютный курс, exchange rate) – Пул бирлиги баҳосининг бошқа пул бирлигида ифодаланиши; бир мамлакат валютасини иккинчи мамлакат валютасига реал алмашиниш пропорцияси.

***Валюта механизми*** (валютный механизм, currency mechanisms) – Валюта билан боғлиқ миллий ва халқаро даражадаги ҳуқуқий нормалар ва муассасалар.

***Валюта операцияси*** (валютная операция, currency operation) – Молиявий фаолиятда чет эл валюталарини жалб қилиш ва жойлаштиршп билан боғлик бўлган операциялар, чет эл валютасидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш билан; валюта бойликлари ва бошқалар мамлакатдан хорижга кучириш ва ташлаб утиш билан, валюта бойликларини, товарлар, хизматлар ва бошқаларни олиб сотиш билан боғлик бўлган жорий операциялар ва капитални инвестиция қилиш, кредит ва бошқаларнинг ҳаракати билан боғлик операциялардир.

***Валюта резерви*** (валютный резерв, currency reserves) – Бир мамлакатнинг валюта маблағлари ва олтин жамғармалари.

***Валюта сиёсати*** (валютная политика, currency policy) – Валюта муносабатларида иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда ташкилий тадбирлар ва шакллар йиғиндиси. Бу воситалар ёрдамида халқаро молия-кредит ташкилотлари, давлатнинг марказий молия ва банк муассасалари валюта муносабатларини тартибга солади.

***Валюта тизими*** (валютная система, currency system) – Валюталар, уларни ўзаро айирбошлаш ва қўллаш қоидалари ва нормалари, тўлов воситаси сифатида қўлланилиши ва валюта қўлланиши билан пул-кредит муносабатларининг йиғиндиси.

***Валюта чекловлари*** (валютные ограничении, currency controls) – Бир мамлакатда валюта операциялари бўйича белгиланган чеклаш тадбирлари; маъмурий ва қонуний тартибда белгиланган хориж валютаси ва бошқа валютага тегишли қимматли нарсалар бўйича операцияларини чеклаш учун йўналтирилган норматив қоидалар тизими.

***Валюта қиймати*** (валютная стоимость, currency cost) – Валюталарнинг сотиб олиш қобилияти, ҳар бир валюта бирлигига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори.

***Варрант*** (варрант, warrant) – Товар омборлари томонидан товарни сақлаб туриш учун қабул қилинганлиги тўғрисида бериладиган гувоҳнома.

***Вақтбай иш ҳақи*** (по часовая заработная плата, on hour wages) – Ишчининг ишлаган вақти (кун, ҳафта, ой) ҳисобга олиниб, тўланадиган иш ҳақи.

***Вақф*** (церковное имущество, church's property) – Мулкдорлар томонидан диний муассаса ихтиёрига даромадидан фойдаланиб туриши учун ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мулк (ер, сув, бино ва шу кабилар).

***Вексел*** (вексель, biil) – Қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти. Вексел эгаси муддат тугагандан сўнг белгиланган пул қийматини талаб қилишга ҳақли. Векселнинг кўп турлари мавжуд, масалан: оддий вексел, тижорат векселi, молиявий вексел ва банк векселi.
***Вексел кредити*** (вексельный кредит, biil the credit) – Экспортер товарни кредитга сотиш битимини имзолаб траттани импортерга тақдим этади ва товар ҳужжатларини олади ҳамда вексел қийматини кўрсатилган муддатда тўлаш жавобгарлигини олади.
***Венчур капитали*** (венчурный капитал, venture capital) – Бениҳоя юқори таваккалчилик хатари даражасидаги ишларга капитал сарфланиши мумкин бўлган пуллар.
***Венчур молиялаштириш*** (венчурное финансирование, venture financing*)* – Юқори таваккалчилик билан тадбиркорликни амалга ошираётган фирмаларни сармоя билан таъминлаш.
***Венчур фирмаси*** (венчурная фирма, venture firm) – Ҳозирги замонда фирмаларнинг турларидан бири. Илмий тадқиқотлар, янги ихтироларни тадбиқ этиш ҳамда йирик фирмалар буюртмалари, давлат шартномаларини бажариш билан банд бўлган фирмалар.
***Вертикал қўшилиш*** (вертикальное слияние, vertical merger) – Бир технология занжирининг турли босқичларига хизмат қиладиган компаниялар бирлашиши.

# Г

***Гаров*** (залог, bail) – Бирор нарсани олиш учун олдиндан бир қисмини тўлаш ёки бирон нарсани гаровга қўйиш. Масалан: мулк, қимматбаҳо қоғозлар.
***Гаров шаҳодатномаси*** (гарантийное свидетельство, guarantee certificate) – Савдо ва тижорат операцияларини амалга ошириш учун фойдаланиш мумкин бўлган кўчма ва кўчмас мол-мулкнинг қарздор томонидан гаровга қуйилиши ҳақидаги кредит ҳужжати.
***Гиперинфляция*** (гиперинфляция, hyperinflation) – Товарлар баҳоси ва пул массасининг тез суръатда ошиб кетиши. Пул бирлиги қадрсизланади, тўлов оборотига салбий таъсир этади. Гиперинфляция нархлар ойига 1,5 баробар ошганда вужудга келади.
***Глобал молиявий - иқтисодий бозор*** **(**глобальный финансово - экономический рынок**,** global financial - the economic market**) –** Жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий - иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.
***Гонорар*** (гонорар, fee) – Муаллифга ёки унинг меросхўрига илм, фан ва маданият соҳасидаги чоп этган илмий ишлари учун мукофот тарзида бериладиган ҳақ; муаллифга бериладиган қалам ҳақи.
***Горизонтал қўшилиш*** (горизонтальное слияние, horizontal merger) – Битта хўжалик тармоғида банд бўлган компаниялар бирлашиши.
***Гувоҳлик*** (свидетельство, testimonial) – Реклама тури; унда машҳур кишиларни муайян маҳсулотдан фойдаланилаётгани ва мазкур маҳсулот уларга манзур эканлиги хақидаги баёнотларининг эълон қилиниши.

***Грант*** (грант, grant) – Нотижорат ташкилотилари ёки хусусий шахсларга аниқ вазифаларни бажариш учун тақдим қилувчи (жамғармалар, корпорациялар, давлат ташкилотлари ёки хусусий шахс) томонидан қайтарилмаслик шарти билан бериладиган маблағ.

## Д

***Давлат*** (государство, state) – Фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган, турли хил бюджет ташкилотлари ва муассасалари мажмуи.

***Давлат божи*** (государственная пошлина, public tariff) – Давлатнинг махсус қўйилган юридик ташкилотлари томонидан фуқаролар ва шахслардан уларга кўрсатилган бир қанча юридик ҳамда бошқа хизматлар учун ундириладиган хақ.

***Давлат буюртмалари*** (государственные заказы, public order) – Давлат буюртмаси баъзи маҳсулот турларига, илмий-техник дастурларни бажариш, илмий тадқиқотларни олиб бориш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш кабилар учун берилади.

***Давлат бюджети тақчиллиги*** (бюджетный дефицит, budgetary deficiency) – Давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан ошиб кетиши.

***Давлат даромадлари*** (государственные доходы, public incomes) – Давлатнинг ўз функцияларни амалга ошириш учун мўлжалланган даромадлари. Давлат даромадларининг асосий манбалари: солиқлар, тўловлар, чет элдаги кредитлар ва улардан келадиган ёрдам, ташқи савдодан тушадиган даромадлар.

***Давлат донорлари*** (государственные доноры, public the donor) – Ўз давлати бюджетидан маблағ билан таъминланадиган давлат ташкилоти. Масалан: АҚШ халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID).

***Давлат инвестицияларини чегириб ташлаш*** (вытеснение государственных инвестиций, replacement of the public investments) – Давлат харажатлари қисқариши ёки солиқларнинг ошиши, фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келади, бу ўз навбатида давлатнинг инвестиция қилиш харажатлари ошиш жараёни.

***Давлат истеъмоли*** (государственное потребление, public consumption) – Хусусий секторда ишлаб чиқилган маҳсулот ва хизматларга кетган давлат истеъмол харажатлари.

***Давлатнинг иқтисодий вазифалари*** (экономические задачи государства, economic tasks the public) – Иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

***Давлат монополияси*** (государственная монополия, public monopoly) – Давлат қонун йўли билан фаолиятнинг бирон-бир соҳасида ҳукмронлик қилиш, бирон-бир товарни одатда кенг истеъмол қилинадиган товар ва хизматларнинг ягона ишлаб чиқарувчиси ва сотувчиси ҳуқуқининг берилиши.

***Давлатнинг ташқи қарзи*** (внешний государственный долг, external public debt) – Давлатнинг хориж мамлакатларидан олган қарзи. Давлат харажатлари

ошиб кетса, унинг қарзи орта боради. Ташқи қарз амалда қайтариладиган қарздир.

***Давлат тасарруфидан чиқариш*** (разгосударствление, privatisation) – Давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш.

***Давлат харидлари томонидан сотиб олиш*** (государственные закупки, public purchases) – Давлат бюджети ҳисобидан ички ва ташқи бозорда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг сотиб олинган қисми.

***Давлат қарзи*** (государственный долг, public debt) – Давлатнинг тўланамаган заёмлари ва уларнинг берилмаган фоизларини акс эттирган барча қарзларнинг умумий қиймати. Давлат қарзи икки хил бўлиши мумкин: ташқи ва ички қарз.

***Даврий ишсизлик*** (временная безработица, tempory unemployment) – Иқтисодиётнинг кризис ҳолатидаги ишсизлик. Мавсумий характерга эга бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида даврий ишсизлик кучайиб боради, бироқ кейинчалик ишсизликка барҳам берилади.

***Даромадлар*** (доходы, incomes) – Корхонанинг даромадлари. Натурал ва пул кўринишида бўлади. Даромад солиқли ва солиқсиз турларга бўлинади. Даромад тушунчаси давлат ҳақида гап кетганда, миллий даромад, корхона даражасида (ялпи даромад, соф даромад) ва алоҳида шахслар кўрилганда аҳолининг пул даромадлари, фуқароларнинг реал даромадлари ва шахсий даромад шаклида бўлиши мумкин.

***Даромаднинг мавжуд миқдори*** (доступный доход, disposable income) – Сарф харажатлар ва жамғармалар учун ишлатиш мақсадида иқтисодий секторларнинг қўлида мавжуд бўлган даромадлар. Улар даромадлар ва бевосита солиқлар орасидаги фарқ билан аниқланади.

***Даромад самараси*** (эффективность дохода, advantage of incomes) – Нарх пасайганда истеъмолчи пул даромадларининг сотиб олиш лаёқатининг ортиши.

***Даромад солиғи*** (подоходный налог, income tax) – Фуқароларнинг бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ). Давлат томонидан белгиладиган ставкалар асосида тўланади.

***Дебет*** (дебет, debit) – Бухгалтерия счётларида акс этган чап томон номи; Актив счётларда ҳисобланадиган қийматнинг кўпайишини, пассив счётларда камайишини кўрсатади.

***Дебитор*** (дебитор, debtor) – Қарздор, тўловчи шахс ёки корхона; фуқаролик ҳуқуқида шартномадаги ёки бошқа мажбуриятномадаги қарздор.

***Дебиторлик квотаси*** (дебиторская квота, debit a quota) – Ўзаро хўжалик муносабатлари натижасида ҳар бир иштирокчи учун тўланиши ёки олиниши лозим бўлган қийматда иштирок этиш улуши.

***Дебитор қарз*** (дебиторский долг, debit a duty) – Ўзаро муносабатлар натижасида жисмоний ёки юридик шахсга корхонанинг қайтариши зарур бўлган барча қарзлар қиймати; корхонага етказиб берилган товар ёки кўрсатилган хизмат учун тўлаши керак бўлган барча қиймат.

***Девальвация*** (девальвация, devaluation) – Мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, чет эл валютасига нисбатан миллий ёки халқаро пул бирлиги курсининг пасайиши.

***Дезинфляция*** (дезинфляция, desinflation) – Пул қадрсизланиш суръатининг пасайиши ёки унинг буткул тугаши.

***Демонополизация*** (демонополизация, demonopolisation) – Иқтисодиётдаги монопол хукмронликдан эркин, тенг ҳуқуқли рақобатга асосланган тадбиркорлик, тижорат фаолиятига ўтиш.

***Демпинг*** (демпинг, dumping) – Муайян товарни чет элга ўз мамлакати бозорига нисбатан арзонроқ нархда сотиш.

***Демпинг нарх*** (демпингная цена, dumping price) – Бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқариш учун фойдаланилиб, бозорга кириб олиш учун қўлланилган нарх.

***Денационализация*** (денационализация, denationalization) – 1) Давлатга ўтган мулкни яна ўз хусусий эгасига қайтариш; 2) миллий хусусиятларни, шу жумладан маданиятни, тилни ва шу кабиларни йўқотиш.

***Денонсация*** (денонсация, denunciation) – Шартномани бекор қилиш; бирор давлат томонидан иккинчи давлатга улар ўртасидаги аҳдноманинг бекор қилинганлигини билдириш.

***Департамент*** (департамент, department) – 1) Францияда асосий маъмурий-ҳудудий бирлик; 2) АҚШда баъзи вазирликлар номи. Масалан, Давлат департаменти; 3) баъзи давлатларда ва Ўзбекистонда вазирликларнинг, ҳукумат муассасаларининг бўлимлари.

***Депозит*** (депозит, deposit) – 1) Банк жамғармаси; 2) банкка омонат кассаси ёки фойдаланиш учун вақтинча қўйилган пул ёки қимматли қоғозлар, қимматли нарсалар.

***Депозит банки*** (депозит банк, deposit bank) – Тижорат банки бўлиб, асосан аҳоли бўш пул жамғармаларини жалб қилиш ва жойлаштириш билан шуғулланади.

***Депонент*** (депонент, depositor) – Қимматли нарсаларини депозит банкка қўйган шахс ёки фирма.

***Депорт*** (депорт, deport) – Биржада муддатли битим, бир вақтнинг узида қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш ва белгиланган вақтда пасайтирилган курс билан уларни сотиш. Амалиётда депорт қимматбаҳо қоғозлар курсини пасайтириш мақсадида қўлланилади. Иқтисодий жиҳатдан депорт олди-сотди жараёни эмас, балки қарз пули бўлиб, бунда сотиб олиш ва сотиш курси ўртасидаги фарқ қарз фоизини ташкил этади.

***Депрессия*** (депрессия, depression) – Ишсизлик даражаси юқори, товарлар хизматларга талаб пастлиги, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва меҳнат унумдорлиги тушиб кетадиган даврни характерлайдиган иқтисодиётдаги тушкунлик даври. Инқироз циклининг энг паст нуқтаси.

***Дефицит*** (дефицит, deficit) – Тақчиллик, камомад, харажатларнинг кутилган даромадлардан ортиб кетиши.

***Дефлятор*** (дефлятор, deflator) – Инфляция суръатини кўрсатувчи умумий кўрсаткич. Баҳолар индексига асосланади.

***Дефляция*** (дефляция, deflation) – Пулнинг қадрини ошириш учун муомаладаги қоғоз пуллар ва банкнотлар миқдорини камайтириш.

***Деҳқон хўжалиги*** (кристианская хозяйство, christian a facilities) – Оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

***Диверсификация*** (диверсификация, diversification) – 1) Турли-туманлик, ўзгариш; 2) капитал концентрациялашувининг формаларидан бири бўлиб, у илгари ихтисослаштирилган (саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа) фирмаларнинг ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларга, хизмат кўрсатиш соҳаларига суқилиб кириши билан боғлиқлигидир. Бу ғоят турли-туман товарлар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи, шунингдек, илмий тадқиқотлар ҳамда ишлаб чиқаришлар билан банд кўп тармоқли комплекслар вужудга келишига олиб келади; 3) давлатнинг миллий халқ хўжалиги комплексининг замоновий кўп тармоқли таркибини вужудга келтиришга қаратилган сиёсати; комплекс кўп тармоқли ривожланиш.

***Диверсификация стратегияси –*** Корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Шунингдек, корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

***Дивиденд*** (дивидент, dividend) – Акционер жамияти соф фойдасининг бир қисми, акция эгаларига тўланадиган ҳақ.

***Дилерлар*** (дилеры, dealers) – Товарлар, маҳсулотларни қайта сотиш билан шуғулланувчи шахс ёки фирма.

***Директорлар кенгаши*** (правление директоров, board of directors) – Компания акциядорларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари.

***Дисконт*** (дисконт, discount) – Қимматли қоғозлар (вексел)да кўрсатилган қиймат билан банкнинг вексел эгасига тўланадиган қиймат ўртасидаги фарқ.

***Дисконт сиёсати*** (дисконтная политика, discount policy) – Товар (хизмат)лар сотиб олувчи корхонанинг етказиб берилган товар (хизмат)ларнинг ҳақини тўлаш маблағи етарли бўлмаса, у товар учун тўловни маълум вақт ўтгандан кейин амалга оширилиши тўғрисидаги вексел бериши.

***Дисконт чегирма*** (дисконтная скидка) – 1) Молларни арзонроқ баҳода сотиш; 2) муддатига қадар векселларни арзон нархда сотиб олиш.

***Дисконтлашган ссуда*** (обесцененная ссуда, discounted loan) – Фоизлари олдиндан ҳисоблаб ёзиб қўйиладиган қарз.

***Дискрецион даромад*** (контролируемый доход, discretionary income) – Биринчи галдаги ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун олинган харажатлардан кейин қолган пул.

***Дистрибютор*** (дистрибютор, distributor) – Ўз жамғармасига эга бўлган, ўзи сотиб олиш билан шуғулланувчи мустақил фирма; йирик фирманинг хорижий давлатдаги ягона вакили.
***Дифферинциал рента*** (дифферинциальная рента, diffirincial the rent) – Ер участкаларининг унумдорлиги ва жойлашган жойидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.
***Доимий инфляция*** (хронический инфляция, chronic inflation) – Нисбатан юқори ёки паст инфляция даражаси узоқ муддат давомида ушлаб туриладиган иқтисодий вазият. Барқарорликка эришгунга қадар давомли юқори инфляция даражасига хос бўлган мамлакатларга, масалан: Бразилия, Исроил, Мексика, Перу, Аргентинани мисол қилиб келтириш мумкин.
***Доимий нархлар*** (постоянные цены, fixed prices) – Базис йилга нисбатан пул бирлигининг харид қобилияти ўзгаришини ифодаловчи нархлар.
***Доимий харажатлар*** (постоянные затраты, fixed inputs) – Ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш сарфлар.
***Донор*** (донор, donor) – Грант берувчи, грантларга буюртмаларни кўриб чиқувчи ва грант берувчи ташкилотлар ёки хусусий шахслар.
***Дотация*** (дотация, dotation) – Корхона, муассасаларга қайтариб олмаслик шарти билан зарарларни қоплаш, баҳони қўвватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан бериладиган субсидия (пул маблағлари).
***Дотациялашган нарх*** (дотационная цена, dotation price) – Давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нарх.
***Дўстона вексел*** (дружеский вексель, friendly bill) – Икки шахснинг ҳар қандай товар (хизмат) ҳаракатсиз банкдан маблағ олиш учун бир-бирларига берадиган қимматли қоғоз.

## Е

***Евро облигациялари*** (евро облигации, evro bonds) – Евро бозорда узоқ муддатли заём олиш билан заёмчи томонидан чиқариладиган ўзоқ муддатли мажбуриятнома; қимматли қоғоз турлари.
***Европа валюта бирлиги*** (европейская валютная единица, evropean currency unit) – Европа валюта тизимида қатнашувчи мамлакатлар ўртасида қўлланиладиган ҳалқаро ҳисоб бирлиги - ЭКЮ.
***Ер кадастри*** (земельный кадастр, lant register) – Ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар йиғиндиси. Ер кадастрида ер эгасининг исми, умумий майдон ҳажми, участка манзили, ер-сув таркиби, сифати, даромадлилиги, ернинг баҳоси кўрсатилади.
***Ер рентаси*** (земельная рента, land rent) – Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар томонидан яратиладиган қўшимча маҳсулотнинг бир қисми, ер эгалари томонидан ўзлаштирилади.

## Ё

***Ёлланма ходимлар*** (наемные сотрудники, hired employees) – Иш берувчилар билан келишилган микдордаги иш ҳақи эвазига белгиланган иш вақти давомида

топширилган хизматни бажариш мажбуриятларини олиб меҳнат шартномалари асосида ёлланиб ишлайдиган ишчи ва хизматчилар.

***Ёпиқ иқтисодиёт*** (закрытая экономика, closed economy) – Ҳалқаро савдода иштирок этмасдан товар (хизмат)лар ва капитал оқимлари миллий чегарадан ташқарига чиқмаган ҳолда амалга ошишувчи иқтисодиёт.

***Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти*** (акционерное общество закрытого типа, close joint-stock company) – Акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган акциядорлик жамияти.

## Ж

***Жами таклиф*** (совокупные предложения, aggregate supply) – Муайян нархлар даражасида ишлаб чиқарилиши ва таклиф қилиниши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг реал ҳажми.

***Жами талаб*** (совокупный спрос, aggregate demand) – Уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ва чет эллик харидорларнинг баҳоларга маълум даражасида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товар ва хизматларнинг умумий ҳажмига бўлган талаби.

***Жамоа мулки*** (коллективная собственность, collective ownership) – Мулкчиликнинг бир шакли сифатида жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни биргаликда ўзлаштиришдир. Масалан, ижара корхоналари, жамоа корхоналари, кооперативлар, акционер жамиятлари, хўжалик ширкатлар, ассоциациялар ва ижтимоий ташкилотлар мулки киради.

***Жамоат бирлашмаси*** (общественное объединение, public association) – Маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашуви. Масалан: касаба уюшмаси, сиёсий партиялар ва бошқалар.

***Жамғарма*** (сбережение, saving) – Аҳолининг келажак эҳтиёжларини қондириш ва келажакда ҳарид қилиш учун сақлаб қўйилган пулли даромадлари; унинг ҳажми ихтиёрдаги даромадидан, истеъмол харажатларини айириш йўли билан аниқланади.

***Жамғарма банк*** (сберегательный банк, saving bank) – Кредит муассасаси бўлиб, унинг асосий вазифаси аҳолининг пул жамғармалари ва вақтинча эркин пул маблағларни жалб қилиш ва аҳолига кредит беришдан иборат.

***Жамғармалар*** (вклады, deposits) – Банк ёки бошқа молиявий муассасага сақлаш мақсадида топширилган пул маблағлари.

***Жамғарма муассасалари*** (сберегательные учреждения, savings institutions) – Молиявий муассаса; унда шахсий жамғармалар сақланади ва улар учун фоизлар тўланади.

***Жамғармачи*** (вкладчик, depositor) – Омонат кассасида (банкда) пулини (жамғарма) жамғарувчи шахс.

***Жарима*** (штраф, fine) – Қонунни, шартномани ёки белгиланган қоидани бузганлиги учун кўриладиган тадбир, пул тўлови; жарима.

***Жаҳон банки*** (мировой банк, world bank) – Расмий номи халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки бўлиб, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишини рағбатлантириш учун уларга қарз бериб турадиган халқаро ташкилот.

***Жаҳон бозори конъюнктураси*** (мировая рыночная конъюнктура, world market conditions) – Жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

***Жаҳон валюта тизими*** (мировая валютная система, world currency system) – Ҳалқаро тўлов воситаларининг маълум бир йиғиндиси, валюта курслари ва валюта паритети, конвертирлаш шартлари, халқаро ҳисоб-китоб шакллари, халқаро валюта ва олтин бозорлари режими, ҳалқаро ва миллий банк ташкилотлари, ҳалқаро кредит воситаларини муомалада қўллаш қоидаларини, валютавий чеклашларни давлатлараро бошқариш муносабатлар йиғиндиси.

***Женева конвенцияси*** (Женевская конвенция, Geneva convention) – Иккинчи жаҳон урушидан жабр кўрганларни, урушда азоб чекканларни ҳимоя қилиш, уруш пайтида фуқароларни ҳимоя қилиш мақсадида 1949 йилда ташкил этилган халқаро ҳужжат.

***Жисмоний шахс*** (физическое лицо, physical body) – Иқтисодий фаолиятда қатнашувчи ва бу жараённинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида фаолият кўрсатувчи шахс. Жисмоний шахс ўзининг номидан иш юритади, фирма ёки корхона каби ҳокимиятда руйхатдан ўтиш мажбуриятидан озод.

***Жорий инвестициялар*** (текущие инвестиции, current investment) – Эркин сотиладиган ва бир йилдан кўп бўлмаган муддатда эгалик қилишга қаратилган капитал.

***Жорий конъюнктура*** (текущая конъюнктура, current conjuncture) – Муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айни даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

***Жорий тўлов балансини молиялаш*** (финансирование текущего платежного баланса, current account financing) – Жорий тўлов балансидаги дефицитни, давлат активларини чет мамлакатларига сотиши ёки ички заёмлар ҳисобидан қоплаши.

***Жорий ҳисобварақлар*** (текущие депозиты, account deposits) – Тижорат банкларидан чет ҳисобварақлари; пул таклифининг энг катта унсури.

## З

***Заём*** (заём, borrowed money) – Қарз; заём берувчи ва заём олувчи ўртасида тузиладиган келишув, битим. Заёмлар бир неча турларга бўлинади: давлат заёми, ютуқли заём, муддатсиз заём, ташқи заём, тилла заём, ҳукуматлараро заём, очиқ заём ва бошқалар.

***Закалат*** (закладываемое средство, pawned means) – Биржада амалга ошириладиган битишувларнинг бажарилиши кафолатини таъминлаш учун харидорлар ва сотувчилар томонидан биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги

ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисоб варағига киритиладиган битишувларни кафолатли таъминлаш маблағи.

***Зарарлар*** (убытки, damages) – Корхона ёки хўжалик фаолиятида ишлаб чиқариш харажатларининг даромадидан ошиб кетган қисми.

***Зарарсизлик нуқтаси*** (безубыточный точка, break-even a point) – Бу шундай ишлаб чиқариш ҳажмки, бунда умумий ишлаб чиқариш харажатлари қиймати сотувдан келган умумий пул даромади билан тенглашади, яъни зарар ҳам, фойда ҳам тенг бўлади.

***Зарурий маҳсулот*** (необходимый продукт, necessary product) – Ишчи ва хизматчиларнинг зарурий иш вақтида яратилган ва ишчи кучини меъёрий ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур маҳсулот.

***Заҳира*** (запас, reserve) – Фирма омборларида сақланаётган товарлар.

***Заҳиралар*** (запасы, reserves) – Банкдаги омонатларнинг қатъий белгилаб қўйилган қисми, ундан кредитлар бериш учун фойдаланиш мумкин эмас.

## И

***Ижара*** (аренда, lease) – Мулкий ёлланиш бўлиб, унда ижарага сўровчига маълум мукофот пул эвазига яъни ижара ҳақи учун шартнома асосида мулк вақтинча фойдаланишга берилади.

***Ижарачи*** (арендатор, holder) – Шартномада келишилган доирада ижарага берувчининг мулкидан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини оладиган шахс бўлиб, у бунинг учун ижара берувчига ижара ҳақи тўлайди.

***Ижара ҳақи*** (арендная плата, rent payents) – Вақтинча фойдаланиш учун берилган мулк, иморат ёки ер учун ижарачининг ижарага олувчидан оладиган ҳақи (мукофот). Ижара ҳақининг миқдорига ижарага олинган мулк қийматидан ажратиладиган амортизация ажратмалари ва шартнома асосида белгиланадиган мулкдан фойдаланганлик натижасида тушадиган даромаднинг бир қисми (одатда, банк фоизидан кам бўлмайди) киради.

***Ижтимоий адолат*** (социальная справедливость, social justice) – Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир кишининг ўз маҳорати ва қобилияти, капитали билан бошқа шахс ёки шахслар гуруҳи маҳорати, қобилияти ҳамда капитали билан эркин рақобат қилиш, сарфланган тенг капиталга тенг фойда олиш учун курашиш ҳуқуқи.

***Ижтимоий ёрдам*** (социальная помощь, social help) – Вақтинча ишсиз қолган ва меҳнат қобилиятини йуқотган кекса, касал фуқароларни моддий жиҳатдан таъминлашни кафолатлаш тизими. Бу кафолатни амалга ошириш учун махсус фондларда пул маблағлари тупланади. Бу фондлар фуқароларнинг ўз меҳнат ҳаёти давомидаги тўловларига, улар ишлаган ташкилотлар ҳамда давлат ажратмаларига асосланган ҳолда ташкил топади.

***Ижтимоий ишлаб чиқариш*** (социальное производство, social production) – Ўзаро боғлиқликда ва доимий алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг бирлиги.

***Ижтимоий - иқтисодий муносабатлар*** (социально-экономические отношения, social economic relations) – Кишилар учун зарур бўлган ҳаётий

неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келади.

***Ижтимоий сиёсат*** (социальная политика, social policy) – Давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни иқтисодиёт қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсати.

***Ижтимоий тўловлар*** (социальные платежи, social payments) – Кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлар тизими.

***Илмий - техника революцияси*** (научно-технологическая революция, scientific-technological revolution) – Маҳсулотнинг янги турлари ва ишлаб чиқариш усулларини жорий этиш сабабли ишлаб чиқаришнинг нисбатан тез ўзгариши.

***Имидж*** (имидж, image) – Хўжалик фаолияти доирасида корхона ёки ташкилотнинг иш тарзи, услуби.

***Иммиграция*** (иммиграция, immigration) – Ишчи кучининг айнан шу мамлакатга доимий яшаш учун кириб келиши.

***Импорт*** (импорт, import) – Ички бозорда сотиш мақсадида товар, маҳсулотларни чет элдан келтириш; хориж фирма ташкилотлари хизматидан пулли фойдаланиш; чет эл товар, капиталини кредит ва заём кўринишида мамлакатга келтириш.

***Импорт харид самараси*** (эффект покупки импорта, effect of purchase of import) – Мамлакатда товар ва хизматларнинг ички нархлари ташқи нархларга нисбатан ошиб бориши, импорт маҳсулотга бўлган талабнинг ошиши.

***Инвентаризация*** (инвентаризация, inventory) **–** Корхоналар, фирмалар, ташкилотларда мулк ва товарларни рўйхатдан ўтказиш; натура ҳолидаги бойликларнинг мавжудлиги ёки ҳолатини, маблағларни мунтазам текшириб туриш, шунингдек, уларнинг моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномаларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида даврий қайта ҳисобга олиш.

***Инвестицион кредитлар*** **(**инвестиционный кредиты, investment credits) **–** Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ҳамда иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситалар ва қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадида олинган ўзоқ муддатли кредитлар.

***Инвестицион лойиҳа дастури*** **(**программа инвестиционного проекта, program of the investment project**)** – Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарурий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатининг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва инвестицияларни (бизнес-режа) амалга ошириш бўйича амалий фаолият дастури.

***Инвестицион солиқ кредити*** **(**инвестиционный налоговый кредит, investment tax credit) **–** Солиқ мажбурияти бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти берилади, агарда солиқ тўловчида белгиланган тартибдаги асос бўлса, у ҳолда солиқ тўловларини камайтирилган ҳолда маълум бир вакт ичида босқичма – босқич тўлаш мумкин бўлади.

***Инвестицион ҳамкорлик*** (инвестиционное сотрудничество, investment cooperation) – Ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, ҳалқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш орқали давлат томонидан иқтисодиётда нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш кабиларни мақсад қилган.

***Инвестиция*** (инвестиция, investment) – Ишлаб чиқариш (хизмат курсатиш)ни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш.

***Инвестиция банклари*** (инвестиционные банки, investment bank) – Ўзоқ муддатли ссудали капитални сафарбар қилувчи облигация ҳамда заёмли мажбуриятлар чиқариш ва уларни жойлаштириш воситаси билан уни заёмчиларга берувчи махсус кредит институтларнинг бир тури.

***Инвестиция дастури*** – Ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш учун ишлаб чиқилган дастур.

***Инвестиция муҳити*** (инвестиционная среда, investment environment) – Инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

***Инвестиция портфелларини диверсификация қилиш*** (диверсификация инвестиционных портфелей, diversification investment portfolios) – Банкларнинг инвестиция портфелида турли-хил, кўпдан-кўп қимматли қоғозларнинг мавжудлиги.

***Инвестиция сиёсати*** (инвестиционная политика, investment policy) – Иқтисодий сиёсатнинг таркибий бўғини, фан ва техниканинг янги ютуқлари асосида капитал маблағларининг йўналишларни, ҳажми, структураси, асосий фойдаларнинг ўсиши ва янгиланишини белгилаб берувчи тадбирлар тизими.

***Инвесторлар*** (инвесторы, investors) – Хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

***Индекс*** (индекс, index) – 1) Бирор иқтисодий ҳодисанинг изчил ўзгариб боришини кўрсатадиган рақамлар кўрсаткичи; 2) нарх, ном ва шундай кўрсаткичлар рўйхати; 3) ҳарф ёки рақамларнинг ўнг томонига қўйиладиган ҳарф ёки сон кўрсаткичи.

***Индексация*** (индексация, indexation) – Иқтисодиётдаги нархларнинг ўртача даражаси ўзгаришига боғлиқ равишда иш ҳақи ва бошқа даромадларга тузатишлар киритиш.

***Индивидуал солиқ*** (индивидуальный налог, individual tax) – Жисмоний шахсларнинг даромадига, хусусий мол-мулкни ва мерос қолган мулкларга солинадиган солиқ.

***Инкасса*** (инкассо, encashment) – Банкнинг мол етказиб берувчи (сотувчи) томонидан тўловчининг (харидор) тўловини олиш мажбуриятини бажариши борасида бўладиган ҳисоблар тартиби.

***Инкасса операцияси*** (операция инкассо, operation inkasso) – Чеклар, вексел, товар ҳужжатлари ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича амалга ошириладиган операция.

***Инновацион технологиялар*** **(**инновационные технология, innovative technology) **–** Иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турларини олади.

***Инновация*** (инновация, innovation) – Янги техника, технология, илмий тадқиқотларни ишлаб чиқиш учун маблағларни йўналтириш фаолияти.

***Инновация банки*** (инновационный банк, innovations bank) – Тижорат банкининг кўриниши бўлиб, унинг асосий вазифаси - ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш, шунингдек, юксак самарали маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган кашфиёт ва ихтироларни тадбиқ қилишни маблағ билан таъминлаш ва кредитлашдан иборат.

***Инновация жараёни*** (инновационный процесс, innovative process) – Янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд: янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

***Институционал иқтисодиёт*** (институциональная экономика, institution economy) – Иқтисодиётнинг алоҳида соҳаси бўлиб, жамоатчилик институтларининг ички ва ўзаро иқтисодий алоқаларини ўрганади.

***Институционал сиёсат*** **(**институциональная политика, institution a policy) – Давлат томонидан мулкчилик, меҳнат, молиявий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда янги иқтисодий институтларни шакллантириш, эскиларини йўқотиш, мавжудларини трансформациялаш бўйича амалга оширадиган чора-тадбирлар, ҳатти-ҳаракатлар.

***Интеграция*** (интеграция, integration) – 1) Турли бўлимлар, элементлар ҳаракатининг бир бутунга бирлашиш жараёни; 2) иқтисодий интеграция - иқтисодий субъект (давлат, корхона, фирма)ларнинг иқтисодий, технологик муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги ошиши натижасида вужудга келади.

***Интенсив иқтисодий ўсиш*** (интенсивный экономический рост, intensive economic growth) – Ишлаб чиқариш омилларининг ривожланиб, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши.

***Интенсив ривожланиш йўли*** (путь интенсивного развития, intensive development way) – Интенсив жадаллик, тезлик билан ривожланиш йўли.

Ишлаб чиқаришни тобора самаралироқ ишлаб чиқариш воситалари ва технологик жараёнларни қўллаш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор методлари, фан-техника прогресси ютуқларидан фойдаланиш асосида ривожлантириш.

***Интермодал марказ*** – Юк ташишлар бўйича ҳалқаро коммуникация ва логистика маркази.

***Инфляция*** (инфляция, inflation) – Лотинча “inflation” сўзидан олинган бўлиб, шиш, бўртиш, кўпчиш деган маънони англатади. Инфляция пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товар ва хизматлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пуллар пайдо бўлиши. Иқтисодиётда баҳоларнинг мунтазам ошиб бориш жараёни.

***Инфляция даражаси*** (уровень инфляции, level inflation) – Маълум вақт ичида (ой, йил) нарх даражасининг фоиздаги ўзгариши.

***Инфратузилма*** (инфраструктура, infrastructure) – Такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқалар.

***Инқирозга қарши мўлжалланган чоралар дастури*** – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланиб инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастури бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топган дастур.

***Ипотека*** **(**ипотека, hypothecar**)** – Банкнинг гаров хат, кўчмас мулк гарови асосида муайян муддатга ссуда бериши.

***Ипотека банки*** (ипотечный банк, hypothecary bank) – Кредит муассасаси бўлиб, у кўчмас мулкнинг гарови (ер, иншоот ва бошқалар) ҳисобига узоқ муддатли пул ссудалари беради, шунингдек гаровга қуйиладиган кўчмас мулкдан таъминланадиган гаров варақалари чиқаради.

***Ипотека бозори*** (ипотечный рынок, hypothecary market) – Кўчмас мулк бозорига хизмат қилувчи кредит операциялари тўплами.

***Ипотека кредити*** (ипотечный кредит, hypothecary credit) – Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга уй-жой сотиб олишга узоқ муддатга бериладиган қарз.

***Ислоҳотлар концепцияси*** (концепция реформ, concept of reform) – Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларининг умумий ғояси.

***Истеъмол*** (потребление, consuption) – Истеъмол қилиш, фойдаланиш, ишлатиш; ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг сўнгги фазаси бўлиб, аҳолининг иқтисодий талабларини таъминлаш жараёнида ижтимоий маҳсулотлардан фойдаланиш.

***Истеъмол бозори*** (потребительский рынок, consumer the market) – Аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматларни айирбошланиши.

***Истеъмол кооперативлари*** (кооперативы потребления, cooperative societies consumption) – Чакана савдо корхоналари, уларнинг аъзолари фойда тақсимотида қатнашадилар ёки товар ва хизматларни арзонроқ нархда сотиб оладилар.

***Истеъмол кредити*** (потребительский кредит, concumer credit) – Кредитнинг бу шаклида жисмоний шахсларга икки шаклда, пул ёки товар шаклида берилиши, жисмоний шахсларга кўчмас мулкка эгалик қилиш, даволаниш, уй жиҳозларини сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун берилади.

***Истеъмол нархлар индекси*** (потребительский ценовой индекс, cosumer price index) – Ўртача яшовчи оила томонидан, одатда, истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархининг базис даврида нисбатан ўзгариши ўртача даражасини акс этадиган кўрсаткич.

***Истеъмол сарфлари*** (потребительские издержки, consumer costs) – Аҳоли даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлари учун ишлатиладиган қисми.

***Ички маблағлар*** (внутренные активы, internal asset) – Фирманинг ички манбаларидан тушадиган фойда ёки бошқа даромадлар.

***Ички харажатлар*** (внутренные расходы, internal charges) – Корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиш ҳисобидан сарфланган харажат.

***Ишбай иш ҳақи*** (сдельная заработная плата, price-work wages) – Ишлаб чиқарган маҳсулоти миқдорига ёки бажарган иш ҳажмига қараб тўланадиган иш ҳақи.

***Ишлаб чиқариш жараёни*** (процесс производства, process production) – Инсонларнинг истеъмоли учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган жараён.

***Ишлаб чиқариш инфратузилмаси*** (инфраструктура производства, infrastructure of manufacture) – Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобил йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

***Ишлаб чиқариш омиллари*** (факторы производства, factors of production) – Товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда қатнашадиган ресурслар мажмуи.

***Ишлаб чиқариш умумий самараси*** (общий эффект производства, general effect of manufacture) – Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан унга сарфланган ресурс харажатлари ўртасидаги нисбат.

***Ишлаб чиқариш харажати*** (расход производства, charge of production) – Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга кетган харажат.

***Ишлаб чиқаришни модернизациялаш*** (модернизация производства, modernization of manufacture) – Ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариб, замонавий техника ва технологиялар билан алмаштириш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва

сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

***Ишлаб чиқарувчи кучлар*** (производительные силы, productive forces) – Ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларининг йиғиндиси. Улар ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтиради. Асосий ишлаб чиқариш кучларига моддий неъматлар яратувчи меҳнаткашлар ва меҳнат воситалари киради.

***Ишонч операцияси*** (операция доверенности, operation of the power of attorney) – Банк мижоз топшириғи бўйича маълум мулкни, пул ёки қимматбаҳо қоғозлар куринишида сақлаш, ўтказиш ва бошқаришни ўз зимасига олиши.

***Ишсизлик*** (безработица, unemployment) – Иқтисодий жиҳатдан актив аҳолининг бир қисми ўз иш кучини қўллай олмай "ортиқча" бўлиб, меҳнатнинг заҳира армияси бўлиб қолиш ҳодисаси. Турлари: фрикцион, таркибий, мавсумий, даврий ва ҳудудий.

***Ишсизлик даражаси*** (уровень безработицы, unemployment rate) – Ишсизлар сонининг ишчи кучи умумий сонига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

***Ишсизлик нафақаси*** (пособие по безработице, unemployment benifits) – Маълум вақт давомида ишсиз бўлиб қолганларга ижтимоий ҳимоялаш мақсадида давлат томонидан маълум муддатда тўланадиган нафақа.

***Ишсизликнинг табиий даражаси*** (естественный уровень безработицы, natural rate of unemloyment) – Реал ва потенциал ялпи ички маҳсулотнинг оралиқларига хос бўлган ишсизлик даражаси. У шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг ҳақиқий ва структуравий ишсизлик кўрсаткичлари йиғиндиси сифатида ҳисобланиши мумкин.

***Иш ташлаш*** (забастовка, strike) – Касаба уюшмасининг шартларини қабул қилишга маъмуриятни мажбур этиш мақсадида корхона ишини тўхтатиш.

***Ишчи кучи*** (рабочая сила, labour) – Инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятининг йиғиндиси.

***Ишчи кучи бандлиги*** (занятость рабочий силы, employment the worker of force) – Иш билан таъминланганларнинг умумий ишчи кучи сонидаги улуши.

***Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш*** (восстановление рабочей силы, restoration of a labour) – Инсоннинг жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаш ва таъминлаб туриш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш, ёш ишчилар авлодини етиштиришдан иборат.

***Ишчи кучи халқаро миграцияси*** (международная миграция рабочей силы, international migration of labour) – Меҳнат ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминланиш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтиши.

***Иш ҳақи*** (заработная плата, wage) – Фуқароларнинг қилган меҳнатлари, хизматлари учун тўланадиган ҳақ (бир ойда бир марта ёки икки марта); миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, ишловчининг меҳнати учун сон ва сифат жихатдан тақсимланади, унинг шахсий истеъмолига келиб тушади; меҳнат учун мукофот. Масалан, иш ҳақи, аванс, мукофот.

***Ихтиёрдаги даромад*** (чистый доход, clean income) – Шахсий даромаднинг индивидуал солиқлар тўлангандан кейинги қисми.

***Ихтисослашган банклар*** (специализированные банки, specialized banks) – Кредит муассасаси бўлиб, унинг асосий вазифаси узоқ муддатли ссуда

капитални сафарбар қилувчи, аҳолини бўш пул жамғармаларини жалб қилиш ва аҳолига кредит беришдан иборат.

***Ихтисослаштириш*** – 1) Фаолиятни бирон-бир машғулотга, касб-ҳунарга йўналтириш; ижтимоий меҳнат тақсимоти шаклларидан бири; 2) бирон-бир чекланган соҳада маълумот олиш; 3) ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида, хизмат кўрсатиш соҳасида технологияни ихтисослаштириш - фаолиятини муайян маҳсулот, буюм, детал ишлаб чиқаришга йўналтириш.

***Иқтисодиёт*** (экономика, economics) – Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб инсонлар учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларига етказиб беришга қаратилган ва чамбарчас боғлиқликда амал қиладиган фаолият тизими.

***Иқтисодиётни антициклик бошқариш*** (антициклическое регулирование экономики, anti-cicle adjustment) – Ривожланган мамлакатлар ҳукуматининг иқтисодий циклларининг тебранишини юмшатиш мақсадида олиб борадиган иқтисодий сиёсат.

***Иқтисодиётни барқарорлаштириш*** (стабилизация экономики, stabilization of economy) – Танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш.

***Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш*** (государственное регулирование экономики, govemment adjustment of economy) – 1) Давлатнинг хўжалик субъектларига ва бозор конъюнктурасига бозор механизмларига амал қилиши учун нормал шароит яратиш, ҳамда экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида таъсир этиши; 2) иқтисодиётни барқарорлаштириш, тартибга солиш бир маромда ишлашини йўлга қуйиш; иқтисодий ҳолатлар ва уларнинг алоқаларининг ўзгаришини ёки қувватлашни таъминловчи мақсадли йўналтирилган жараёнлар. Механизмлари: солиқлар, нархлар, давлат бюджети ва тадбиркорлиги, пул-кредит воситалари ёрдамида муайян иқтисодий сиёсатни амалга ошириш.

***Иқтисодиётнинг интернационализациялашуви*** (интернационализация экономики, intemational economy) – Ҳалқаро меҳнат тақсимоти натижасида айрим мамлакатлар ўртасида барқарор ишлаб чиқариш иқтисодий алоқаларнинг юзага келиши ва уларнинг ҳалқ хўжалигида чамбарчас боғланиб кетиши.

***Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги*** (конкурентоспособность экономики, competitiveness of economy) – Мамлакат иқтисодиётининг халқаро савдода иштирок этиш, жаҳон бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш ва кенгайтира олиш, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш лаёқати бўлиб, қуйидагилар орқали белгиланади: мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари миқдори, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, мутлақ ва нисбий устунликларнинг мавжудлиги.

***Иқтисодиётнинг реал сектори*** (реальный сектор экономики, real sector of economy) – Иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва

хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини олади.

***Иқтисодиётни эркинлаштириш*** (либерализация экономики, liberalization of economy) – Нима, қанча ишлаб чиқаришни, қаерга, қанча баҳода сотишни тадбиркорликнинг ўзи белгилаши учун имкон бериш. Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлигини ва мустақиллигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш.

***Иқтисодий жамғариш*** (экономическое сбережение, economic savings) – Миллий даромаднинг жамғарилган қисмидан асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт ва заҳираларни кўпайтириш учун сарфланиши.

***Иқтисодий индикаторлар*** (экономические индикаторы, economic indication) – Иқтисодиёт ва унинг баъзи муҳим қисмлари ҳолатининг статистик кўрсаткичи.

***Иқтисодий интеграция*** (экономическая интеграция, economic integration) – Хўжалик субъектлари ўртасида иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш шакли, давлатлар ўртасида келишилган иқтисодий сиёсат юритиш, ягона иқтисодий маконларнинг вужудга келиши.

***Иқтисодий ислоҳотлар*** (экономические реформы, economic reforms) – Иқтисодиётда туб (ёки қисман) ўзгаришларга қаратилган тадбирлар.

***Иқтисодий модел*** (экономическая модел, economic model) – Содда фикр, диаграмма ёки формула; ундан фойдаланиб, иқтисодий воқеаларни яхшироқ тушуниб олиш мумкин. Иқтисодий ҳолатни ихчам фикр ва шаклдаги ифодаси.

***Иқтисодий мувозанат*** (экономическое равновесие, economic balance) – Иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига тенг келиш ҳолати.

***Иқтисодий мутаносиблик*** (экономическое соответствие, economic conformity) – Иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ҳамда сифат ўлчамларининг мос келиши.

***Иқтисодий ночор корхоналар*** (экономически безнадежный предприятия, economically hopeless the enterprises) – Муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хомашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз корхона.

***Иқтисодий ресурс*** (экономический ресурс, economic resource) – Маълум даврда маълум бир мамлакат ихтиёрида тўпланган ва мавжуд бўлган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), уларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва истеъмол жараёнида қўлланиладиган восита, заҳиралар ва имкониятлар манбаи.

***Иқтисодий ривожлиниш*** (экономическое развитие, economic development) – Кўп ўлчамли жараён бўлиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётида ўз ифодасини топиши.

***Иқтисодий уклад*** (экономический уклад, economic way) – Турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг шакллари ва тури.

***Иқтисодий цикл*** (экономический цикл, economic cycly) – Иқтисодий ривожланишнинг бир ҳолатидан, бирин-кетин депрессия, жонланиш, юксалиш фазаларини босиб ўтиб, олдинги ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр.

***Иқтисодий юнионизм*** (экономический юнионизм, economic unionism) – Самуэл Гомпрес тамойили, унга биноан сиёсат ёки ижтимоий ислоҳотлардан кўра иш хақи юқорироқ ва меҳнат шароити яхшироқ бўлган иш жойини қидирган афзал.

***Иқтисодий ўсиш*** (экономический рост, economic growth) – Ялпи ички маҳсулот микдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисой ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайишида ва сифатининг яхшиланишида ифодаланади.

## Й

***Йиллик ҳисобот*** (годовой отчет, annual statement) – Бир йиллик давлат бюджети даромадлари ва харажатлари акс эттирган ҳужжат.

***Йиғимлар*** (сборы, charge) – Йиғилган ёки олинадиган пул, тушган пул, тушум; тўплаш, йиғим, йиғиб териб олиш, қабул қилиш.

***Йиғув линияси*** (сборочная линия, assembly line) – Ишлаб чиқариш мажмуи; унда йиғиладиган қисмлар бир ишчидан ёки машинадан иккинчисига узатилиб туриши.

## К

***Каботаж*** (каботаж, cabotag) – Бир мамлакатнинг портлари орасида юк ва йўловчиларни денгиз орқали олиб ўтиш.

***Камбағаллик*** (бедность, poverty) – Оила турмушининг даражаси бўлиб, бунда унинг даромадлари хатто энг асосий моддий эҳтиёжларини ҳам қондириш имконини бермайди.

***Капитал*** (капитал, capital) – Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда хизмат қилиб, ўз эгасига даромад келтирадиган ишлаб чиқариш воситалари, товар, пул, қимматли қоғозлар ва бошқалар.

***Капитал бозори*** (рынок капитала, market of the capital) – Асосий маблағлар ҳаракатини таъминловчи қисқа ва узоқ муддатли операцияларга асосланган бозор.

***Капитал ва кредитлар ҳаракати баланси*** (баланс движения капитал и кредитов, balance of cash and credit flow) – Мамлакатларнинг тўлов ҳамда ҳисоб-китоб баланслари бўлиб, унда мазкур мамлакатнинг чет эллардан олган ва унинг бошқа давлатларга берган кредитлари, капиталлар экспорти ва импортининг нисбати кўрсатилади.

***Капитал кўпайишидаги олинадиган даромад*** (доход от роста капитала, income of growth of the capital) – Муайян вақт давомида активлар қийматиниг ўсиши.

***Капитализм*** (капитализм, capitalism) – Ишлаб чиқариш омилларининг хусусий мулклиги, рақобат ва фойда олиш мақсадига асосланган иқтисодий тизим.

***Капитал сарфлар*** (капитальные расходы, capital costs) – Асосий капитални кенгайтириш ва уни қайта тиклашга, айланма маблағларни кенгайтиришга қаратилган сарфлар.

***Капитал экспорти*** (экспорт капитала, export of the capital) – Давлатнинг чет эл фирмаларига кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларини сотиб олиш.

***Карго суғуртаси*** (страхование карго, insurance korgo) – Транспорт воситаларида ташиладиган барча юкларни транспорт воситаларсиз суғурта қилиниши. Суғурта ташкилоти фақат суғурталанган юк учун жавобгар.

***Картер*** (картерь, carter) – Бир қатор тадбиркорлар ўртасидаги нарх, маҳсулот сотиш бозори, маҳсулот ўлчамлари хақидаги келишув.

***Катта биржа брокери*** (старший биржевой брокер, senior stock exchange the broker) – Биржа хизматчиси бўлиб, исталган товар секциясида савдо ўтказиш ва биржа брокерлари ўз вазифаларини тўғри бажараётганлигини назорат қилиш ҳуқуқига эга. Буюк Британиянинг давлат облигациялари бозорида фонд биржасининг ҳукумат брокери лавозими бўлиб, у ҳукумат агенти вазифаларини бажариш учун тайинланади. Бундай биржада иш юритувчи брокер стопброкер деб аталади. Брокерлар мижозларига бозорни ўрганиш бўйича реклама, кредитлар олиш ва ҳоказолар хусусида қўшимча хизматлар ҳам кўрсатадилар.

***Кафолат*** (гарантия, assurance) – Французча сўздан олинган бўлиб, “таъминот” деган маънони билдиради. Фуқаролик ҳуқуқида шартномага кўра қарздор кредитор олдидаги мажбуриятини тўла ёки қисман бажармаганда кафиллик беради; кафиллик; гаров.

***Кафолат берувчи банк*** (банк-гарант, quarantee) – Ўз мижозига кафолатлик қиладиган банк. Талабномалар ва мижозлар ҳисобидан кафиллик беради.

***Квота*** (квота, quota) – 1) Умумий ишлаб чиқаришда ва таъминотда ҳар бир қатнашувчининг ҳиссаси; 2) белгиланган солиққа тортиш бирлигидан олинадиган солиқ миқдори ёки пай бадали миқдори; 3) чет эллардан мамлакатда олиб келиниши мумкин бўлган импорт товарларнинг миқдорини чеклаш.

***Кенг пул-кредит сиёсати*** (широкая денежна-кредитная политика, wide a monetary-credit policy) – Муомаладаги пул массасига таъсир қилиш орқали инфляцияга қарши кураш олиб бориш.

***Кичик корхоналар*** (малые предприятия, small business enterprise) – Мустақил хўжалик фаолиятини олиб борувчи, ўз балансига эга бўлган, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлагандан сўнг қолган фойдасини ўзи тақсимлайдиган корхона. Енгил ва озиқ овқат саноатида, металларга ишлов бериш, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш материалларни ва мебел саноатида 100 киши, машинасозлик, металургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноатида 50 киши, фан, илмий хизмат, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси, умумовқатланиш ва ноишлаб чиқариш соҳасида 25 кишигача ишлайдиган корхоналар.

***Клейтоннинг трестларга қарши қонуни*** (Клейтонский антитрастовый акт, Clayton antitrust act) – АҚШ Конгресси томонидан 1914 йилда қабул қилинган қонун, унда қайси қонун хужжатларини “Савдо эркинлигини чеклаш” деб ҳисоблаш лозимлиги таърифлаб берилган.

***Клиринг*** (клиринг, clearing) – Товар ва хизматлар, қимматли қоғозлар учун, ўзаро мажбурият ва талабларни ҳисобга олган ҳолда накд пулсиз ҳисоб-китоблар қилиш тизими. Масалан: Банклараро клиринг ва халқаро клиринглари мавжуд.

***Комбинат*** (комбинат, combine) – Ҳар хил ишлаб чиқариш тармоқларининг саноат корхоналари бирлашмаси.

***Коммуникатив малака*** (квалификация, qualification) – Бошқа кишиларнинг тўғри тушуниш ва улар билан самарали фаолият олиб бориш учун зарур бўлган маҳорат.

***Конвенция*** (конвенция, concord) – Ҳалқаро битим тури, бу термин ҳалқаро почта, ридиотелеграф алоқалари, божхона масалаларига оид битимларда қўлланилади.

***Конвертацион жараён*** (конвертационный процесс, convertation process) – Материалларнинг товар ва хизматларга айланиши бўйича харакатининг давом этиши (харакатлар шаклланиши, натижалар).

***Конвертацион маркетинг*** (конвертационный маркетинг, convertation marketing) – Товар ва хизматларга бўлмаган талабни юзага келишига таъсир этувчи маркетинг тури. 1) олдин чиқарилган заём шартларини ўзгартириш; 2) бир компаниядаги акция ва облигацияларни алмаштириш.

***Конвертациялаш*** (конвертировать, convert) – Бир томондаги акция ёки облигацияни бошқа типдагисига шу компанияда алмаштириш.

***Конвертирланган валюта*** (конвертированна валюта, currency is converted) – Эркин муомаладаги пул тизими; бозор курси бўйича тўлов амал қиладиган пул. Амал қилган валюта курсига кўра бир мамлакат валютасини бошқасига алмаштириш.

***Конвертирланган қимматли қоғоз*** (конвертированная ценная бумага, converted valuable paper) – Конвертация имтиёзига кўра облигация ва акцияни бошқа қимматли қоғозга алмаштириш.

***Конвертирлаштириш*** (конвертировать, to convert) – Валютани олтинга алмаштириш; бир валютани бошқасига эркин алмаштириш.

***Конгломерат қўшулувчи*** (конгломератное объединение, conglomerate combination) – Технология жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ бўлмаган корхоналарнинг бир бошқарув тузилмасига бирлашуви.

***Консалтинг*** (консалтинг, consulting) – Маслаҳат ва сифатли консулътация берадиган хизмат тури.

***Консигнация*** (консигнация, consignment) – Товарларнинг комиссион савдоси шакли, воситачи омборида товарни 1-1,5 йилгача сақлаш мумкинлиги.

***Консигнация операциялари*** (консигнационные операции, consignment operations) – Воситачилик операцияларининг бир тури; консигнация операцияларида консигнант деб номланган бир томон консигнатор деб номланган иккинчи томонга омборхонадан товарни ўз номидан ва консигнант ҳисобига сотишни топширади. Консигнация операциялари консигнация шартномаси асосида амалга оширилади. Консигнация шартномаси деганда шундай шартнома тушуниладики, унга мувофиқ бир томон (консигнатор) бошқа томон (консигнант) топшириғига кўра муайян вақт давомида

(консигнация шартномаси муддатида) шартлашилган мукофот учун ўз номидан ва консигнант ҳисобига консигнатор мамлакати омборхонасига етказилган товарларни сотиш мажбуриятини зиммасига олади. Бу товарлар улар учинчи шахсларга сотиладиган пайтгача консигнант мулки бўлиб қолади. Сотишнинг консигнация шаклидан бозор бўш ўзлаштирилганда ёки маҳаллий харидорларга кам маълум бўлган янги товарларни етказиб беришда фойдаланилади.

***Консорциум*** (консорциум, consortium) – Буюртмалар олиш ва уларни бажариш учун ҳамкорликда курашиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти олиб борувчи мустақил фирмаларни бирлашуви.

***Контингентлаштириш*** (контингентирование, quantitative restrictions) – Экспорт ва импорт квоталарини белгилаш ёрдамида давлат томонидан ташқи савдони тартибга солиш шаклларидан бири.

***Контокоррент*** (контокоррент, current account) – Банк билан мижоз ўртасидаги барча операцияларни ҳисобга оладиган ягона счёт.

***Контрагент*** (контрагент, contractor) – Шартнома бўйича белгиланган мажбуриятларни ўз зиммасига олган шахс ёки муассаса.

***Контрактация*** (контрактация, contracting) – Корхона сотиб оладиган маҳсулотга қўйиладиган талаблар билан бирга, етказиб бериладиган маҳсулотларга бўнак тўловларни кўрсатилган шартнома тури.

***Конпенсация*** (конпенсация, compensation) – Қоплаш, рағбатлантириш ёки бир мажбурият тўловини иккинчиси билан тўлаш; бирор нарса учун тўланадиган пул, ҳақ, товон.

***Концерн*** (концерн, concern) – Корхоналар бирлашишининг ривожланган шакли, молия алоқалари, манфаатлар асосидаги шартномалар, шахсий мақсадлар асосида фаолият кўрсатади. Бошқарув тизимининг бир тури.

***Концессия*** (концессия, concession) – Саноат корхоналарининг ердан фойдаланганлиги учун давлат ва хусусий тадбиркор ўртасида тузилади.

***Конъюнктура*** (коньюнктура, conjuncture) – Конъюнктура бирор ишнинг боришига, оқибатига таъсир этувчи умумий аҳвол, вазият, шароит. Масалан, бозор конъюнктураси, ҳалқаро конъюнктура.

***Кооператив*** (кооператив, co-operative) – Дастлабки босқичда ўз-ўзини бошқариш ва молиялаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ихтиёрий равишда бирлашган фуқаролар гуруҳини жамлаган ташкилот. Ҳамкорликда маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, сотиб олиш, товарлар истеъмоли ва хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилади. Ундаги жамғармалар қатнашчиларининг пай ва бадаллари асосида вужудга келади.

***Кооператив тадбиркорлик*** (кооперативное предпринимательство, cooperative business) – Жамоа тадбиркорлигининг алоҳида шакли бўлиб, жамоа мулкига, кооперация аъзоларининг фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этади.

***Координация*** (координация, coordination) – Мувофиқлаш, мослаш, бирлаштириш.

***Корпорация*** (корпорация, corporation) – Аъзоларнинг у ёки бу манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган акционер жамият шакли.

***Корреспондент*** (корреспондент, correspondent) – Бошқа ташкилотларга бозорга тўла фаолият олиб бориши учун хизмат кўрсатадиган банк ёки молия ташкилоти.

***Корхона*** (предприятие, plant) – Ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект.

***Корхоналарга преференция бериш –*** Миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кириладиган хомашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб келишда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши.

***Корхоналарни техник қайта қуроллантириш*** – Алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускунларни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

***Корхонанинг инновацион салоҳияти*** – Корхонанинг янгиликларни жорий қилиш ёрдамида бозор шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ривожланиш қобилияти. Корхонанинг инновацион салоҳиятининг ички инновация жараёнидаги барча босқичларнинг (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон беради.

***Котировка*** (котировка, quotation) – 1) Чет эл пуллари, қимматбаҳо қоғозлар ёки товарларнинг биржа нархини, курсини белгилаш; 2) қимматли қоғоз ёки товарларнинг биржада айланиши, юриши, муомалада бўлиши; 3) биржа нархлари тўғрисидаги расмий эълон.

***Кредит*** (кредит, credit) – Пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатларга қарзга бериш. Кредит берилиш муддатларига кўра: қисқа муддатли (1 йилгача); ўрта муддатли (1 йилдан – 5 йилгача); ўзоқ муддатли (5 йилдан ортиқ) бўлади.

***Кредит банк тизими*** (кредитная банковская система, credit bank system) – Бозор иқтисодиёти шароитида кредит банк тизими икки поғонага бўлинади. Марказий банк, банк институтлари ва нобанк кредит муассасаларига. Банк институтларига: тижорат, инвестиция, жамғармалар жалб қилувчи, ипотека, савдо, ташқи иқтисодий алоқалар бўйича ва махсус ихтисослашган банклар.

Нобанк кредит ташкилотлари: инвестиция ва суғурта компаниялари, нафақа ва жамғармалар киради.

***Кредит карточкаси*** (кредитная карточка, credit card) – Шахсий гувоҳнома, унинг қонуний эгаси кредитга нарса харид қилиши мумкин.

***Кредитлаш*** (кредитовать, credit) – Пулга муҳтож юридик ва жисмоний шахсларга сарфланган қийматларни банкка кафолатланган тарзда қоплаш ва банк маблағларидан фойдаланилгани учун ҳақ тулаш шарти билан ўз чиқимларини банк ҳисобига амалга ошириш ҳуқуқини бериш.

***Кредит объекти*** (объект кредита, object of the credit) – Кредитор қарз олувчига бериладиган ва қарз олувчидан кредиторга қайтиб бериладиган қиймат.

***Кредит пуллари*** (кредитные деньги, credit money) – Кредит муносабатлари асосида юзага келувчи, тўлов воситасини бажарувчи қийматликлар. Масалан: Чек, вексел ва банкнотлар.

***Кредит тамойили*** (принцип кредита, principle of the credit) – Банклар томонидан бериладиган асосий кредитнинг қайтиб беришлик, муддатлилик, таъминланганлик, мақсадлилик, тўловлилик ва самарадорлик каби тамойиларига эга.

***Кредит тизими*** (кредитная система, credit system) – Кредит муносабатлари мажмуаси ва кредит муносабатларини ташкил қилувчи ва амалга оширувчи кредит институтлари йиғиндисидир. Кредит тизимини ташкил қилиниш турига қараб 3 гуруҳга бўлинади: 1) Марказий банк; 2) тижорат банклари; 3) махсус-кредит институтлари.

***Кредитор*** (кредитор, creditor) – Қарз берувчи.

***Кредит рестрикция сиёсати*** (политика кредитной рестрикции, policy credit restrection) – Иқтисодиётда иқтисодий ўсиш даврида пул-кредит эмиссиясининг қисқаришига асосланади.

***Кредит шартномаси*** (кредитный договор, credit contract) – Кредит берувчи, қарз олувчига шартномада кўрсатилган шартлар ва миқдорда пул маблағи бериш мажбуриятини олиш, қарз олувчи, олинган пул қийматини белгиланган муҳлатда қайтариб ҳамда фоизларини тўлашга масъул бўлиши.

***Кредит экспансияси сиёсати*** (кредитно-экспансионная политика, credit expension policy) – Пул-кредит эмиссиясини рағбатлантириш йўли билан олиб борилиши, иқтисодиётда ишлаб чиқариш суръатлари тушиб кетган ҳолда конъюктурада ривожланишга эришиши.

***Кредит эмиссияси*** (кредитная эмиссия, credit issue) – Банкларнинг ўз мижозларига чек билан тулаш шарти асосида жорий (чекли) ҳисоб (варақ) очиб, қарз бериш; накд бўлмаган пулни (чекни) қўшимча равишда муомалага чиқаришдир.

***Кризис*** (кризис, crisis) – Низонинг кескин шакли; мақсад ва маблағ, тактика ва стратегиянинг қаршилиги. Ишлаб чиқариш субъектларнинг кескин пасайиши билан белгиланади.

***Кросс-курс*** (кросс-курс, cross-rate) – Икки валюта ўртасидаги нисбат, бу валюталарнинг курси асосида учинчи валютага бўлган нисбат аниқланади.

***Купон*** (купон, coupon) – 1) Фоиз ёки дивидент берилганда қимматли қоғознинг қирқиб олинадиган бир қисми; 2) вақтинча, пул-тақсимлаш бирлиги.

***Курс*** (курс, rate) – Акция, облигация, бошқа қимматли қоғозларнинг олди-сотдисига қўйилган баҳо; қоғоз пуллар курси уларни олтин валютада ёки бошқа мамлакат валютасида акс этиши.
***Куртаж*** (куртаж, courtage) – Биржа битимини амалга оширганда воситачилик учун брокерга бериладиган мукофот.
***Кутилаётган инфляция даражаси*** **(**ожидаемый инфляционный уровень expected inflationary level) – Мавжуд ижтимоий-иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.
***Кўчмас мулк*** (недвижимость, real estate) – Ер, табиий ҳудудлар ва ер билан боғланган мулк. Ерга эгалик ҳуқуқлари ҳам кўчмас мулкга киради.

## Л

***Лизинг*** (лизинг, leasing) – Машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситаларини, ишлаб чиқариш биноларини, иншоотларини ўзоқ муддатли ижарага бериш. Ижаранинг бир тури бўлиб, муайян даврдан кейин, ижара тўловларининг ҳаммаси амалга оширилгандан кейин ижарага олинган нарса, ижарачи мулкига айланади.
***Лизинг операцияси*** (лизинговая операция, leasing operation) – Лизинг операциясида уч субъект иштирок этиб, ижарага берувчи, ижарага олувчи ва мол етказиб берувчи иштирок этиши.
***Ликвидлилик*** (ликвидность, liquidity) – 1) Нархларни ўзгариши билан йирик миқдордаги қимматли қоғозларни бозорнинг ўзлаштириш қобилияти; 2) компанияни тез ва осон сотиладиган асосий ёки айланма капитали элементлари.
***Лимит*** (лимит, limit) – 1) Чегара, чеклаш; 2) чекланган кредит қиймати, аниқ ресурс тури.
***Лицензиат*** (лицензиат, licensee) – Хўжалик фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш рухсатномаси бўлган юридик ёки жисмоний шахс.
***Лицензия*** (лицензия, license) – Баъзи хўжалик фаолияти ва ташқи савдо операцияларини бажариш учун давлат томонидан бериладиган рухсат.
***Лицензиялаш*** (лицензировать, license) – Четдан мол келтириш ёки чет элга мол чиқариш учун давлат органлари томонидан лицензиялаш (ижозат бериш).
***Логистика*** (логистика, logistic) – Инсон машина тизимида моддий, меҳнат, энергия ва ахборот ресурслари оқимлари ҳаракати жараёнларини режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш тизими.
***Лойиҳа*** (проект, project) – Ресурслар ва вақт бирлиги билан чекланган, назарий ишланмалар билан асосланган лойиҳа цикли концепцияси кўринишида таърифланган, белгиланган жараённи тайёрлаш ва мақсадли фаолиятни амалга ошириш.
***Лойиҳа цикли*** (цикл проекта, cycle of the project) – Лойиҳани тайёрлаш, ишлаб чиқиш, экспиртизадан ўтказиш, амалга ошириш ва баҳолаш босқичларида лойиҳани амалга ошириши.
***Ломбард*** (ломбард, pawnshop) – Кўчмас мулкни гаровга олиб кредит берадиган ташкилот.

***Лоренц эгри чизиғи*** (кривая линия лоренца, curve a line lorens) – Мамлакат даромадларининг унинг фуқаролари, оилалари ўртасида амалда нотекис тақсимланишини, бундай тақсимотдаги “мутлақ тенглик" билан “реал тенгсизлик” ўртасида фарқ, даражасини куриш имконини берадиган график.
***Лот*** (лот, lot) – Битимдаги ўлчов бирлиги; 1) маълум сифат андозаси ва микдорига эга бир гуруҳ моллар туплами; 2) биржадаги битта контракт; 3) ҳар қандай молнинг яхлит деб савдога қўйилиши.

## М

***Мажбурий резерв сиёсати*** (принуждённая резервная политика, forced reserve policy) – Муомаладаги пул массасининг ҳажмини, банкларнинг ликвидликлигини мувофиқлаштириш ва инфляция суръатларини тушириш мақсадида Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий резерв нормасини ўрнатиш сиёсатини амалга ошириши.
***Мажбурият*** (обязательство, liability) – Мажбурият, вазифа, бурч, тилхат; Шартнома билан расмийлаштирилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар.
***Маклер*** (маклер, broker) – Битимга келишувидаги воситачи. У битим тузмайди балки битим тузиш учун харидорни жалб этади, бунинг учун воситачилик ҳақи олади.
***Макроиқтисодиёт*** (макроэкономика, macroeconomics) – Моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирилган миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиёт.
***Макроиқтисодий кўрсаткичлар*** **(**макроэкономические показатели, macroeconomic parameters) **–** Мамлакат яхлит иқтисодиёти даражасидаги ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.
***Макроиқтисодий сиёсат*** (макроэкономическая политика, macroeconomic policy) – Мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олган давлат сиёсати.
***Малакали ишчи*** (квалифицированный работник, qualified worker) – Ўз касбида юксак малакага эга бўлган ишчи. Масалан: дурадгор, автомеханик ва ҳоказо.
***Малакасиз ишчи*** (неквалифицированный рабочий, unqualified worker) – Умумий кўникмаларга эга бўлган ишчи. Масалан: фаррошлар, ахлат йиғувчиларга нисбатан ишлатиладиган атама.
***Марказий банк*** (центральный банк, central bank) – Марказий кредит муассасаси бўлиб, банкнотлар чиқариш, пул муомаласини, кредит ва валюта курсини бошқариш, расмий олтин-валюта заҳирасини сақлаш ҳуқуқига эга. У давлат бюджетига хизмат кўрсатилишида ҳукумат вакили ҳисобланади. Марказий банклар биринчи бўлиб 1668 йилда ташкил қилинган Швед Рикс Жиро банки, 1694 йилда Англияда ташкил қилинган банклардир.
***Маркетинг*** (маркетинг, marketing) – Маҳсулот ишлаб чиқаргандан то истеъмолчига етиб боргунгача бўлган тадбиркорлик фаолияти.

***Маркет-майкерлар банки*** (банк Маркет-майклеров, bank the Market-mikelerov) – Валюта чеклашлари деярли йўқ (сезиларсиз) ёки йўқ мамлакатларда бозор курсини бир-бири билан доимий мулоқотда бўлган йирик тижорат банки.

***Масъулияти чекланган жамият*** (общество с ограниченной ответсвенностью, limeted society) – Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда улушга бўлинган хўжалик жамияти. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўлади.

***Маъмурий-бошқарув харажатлари*** (управленческие расходы, administrative cost) – Бошқарув аппаратини сақлаш (таъминлаш) харажатлари; хизматдаги енгил автомобилларни сақлаш харажатлари; қоровулчилик ходимлари, қуриқчи тизимларни сақлаш харажатлари; хизмат сафари харажатлари.

***Маънавий бойлик*** (культурное богатство, cultural riches) – Ашёвий-буюм кўринишига эга бўлмаган номоддий қимматликлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижасидир.

***Мақсадли солиқлар*** (целевые налоги, target taxes) – Давлатнинг муайян турдаги харажатларини қоплаш учун фуқаролар ёки тижорат фирмалари берадиган мажбурий тўловлар.

***Маҳсулот*** (продукция, production) – Бирор фаолиятнинг моддий натижаси (меҳнат; хизмат кўрсатиш; иш бажариш). Ишлаб чиқаришни истеъмол учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол учун ишлатиладиган истеъмол предметлари; Масалан: ялпи маҳсулот, соф маҳсулот, саноат маҳсулоти.

***Маҳсулотни маркалаш*** (маркировка продукции, mark of production) – Бирон бир маҳсулотнинг мазмуни ва фойдаланиш хусусиятини бирхиллаштириб ифодалайдиган ахборот бериш.

***Менеджер*** (менеджер, manager) – Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва даромадини ошириш тамойиллари, услуб ва тадбирлари мажмуидан фойдалана оладиган шахс.

***Менежмент*** (менеджмент, management) – Энг самарали ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида маънавий, молиявий, моддий ва хомашё манбаларидан фойдаланишини бошқариш санъати.

***Меркантилизм*** (меркантилизм, mercantilism) – Капитализмнинг дастлабки давридаги иқтисодий сиёсат ва иқтисодий таълимот. Меркантилистлар фойда муомала соҳасида юзага келади, миллатнинг бойлиги пулда ифодаланади ва савдо билан боғлиқ деб ҳисоблаганлар.

***Меҳнат*** (труд, labor) – Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун инсон сарфлайдиган жисмоний ва ақлий куч, ғайрат.

***Меҳнат биржаси*** (биржа труда, employment exchange) – Меҳнат бозорининг институти, иш берувчилар ва ёлланма ишчилар кучи ўртасида воситачилик қиладиган бўғин. Меҳнат биржаси ёрдамида давлат меҳнат бозорига ўз таъсирини ўтказади, ишга жойлашиш муаммоларини бошқаради (жумладан фақат ишсизларни эмас, балки касбини ўзгартирмоқчи бўлган шахсларни ҳам).

Меҳнат биржаси мамлакат, жаҳоннинг турли-туман ҳудудларида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифларини ўрганади, ёшларни ишга жойлаш, касбга йўналтириш масалалари билан шуғулланади.

***Меҳнат интенсивлиги*** (интенсивность труда, intensity work) – Вақт бирлигида меҳнатнинг сарфланиш тезлиги ёки жадаллиги.

***Меҳнат предмети*** (предмет труда, subject of work) – Инсон меҳнати бевосита таъсир қиладиган, маҳсулот тайёрланадиган ресурслар. Масалан, хомашё, материал ва бошқалар.

***Меҳнат стажи*** (трудовой стаж, labor of the experience) – Хизмат соҳасида юқори кўтарилиш ёки  ишдан бўшатиш масалаларини ҳал этишда ўзоқ йил ишлаганлигига қараб устивор аҳамият берилиши.

***Меҳнат унумдорлиги*** (производительность труда, labour productivity) – Маълум вақт давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетган вақти.

***Меҳнат қуроллари*** (орудии труда, instrument of work) – Инсон унинг ёрдамида табиатда, меҳнат предметларига таъсир кўрсатадиган воситалар.

***Микроиқтисодиёт*** (микроэкономика, microeconomics) – Муайян иқтисодий бирликни таҳлил қилиш яъни бирорта ишлаб чиқариш корхонасини ўрганиш.

***Микрокредит*** (микрокредит, microcredit) – Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармояни шакллантиришга бериладиган кредитлар. Микрокредитлар: 1) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун – энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача; 2) микрофирма ва деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; 3) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

***Микрофирма*** (микрофирма, mikrofirm) – Банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида 10 кишидан, улгуржи ҳамда чакана ва савдо-умумий овқатланиш тармоқларида 5 кишидан ошмайдиган корхона.

***Миллий бойлик*** (национальное богатство, national wealth) – Инсоният жамият тарраққиётида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат бойликлари.

***Миллий валюта тизими*** (национальная валютная система, national monetary system) – Бир мамлакатда валюта амал қилиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва қонуний муносабатлар йиғиндиси.

***Миллий даромад*** (национальный доход, national income) – Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини белгилаб берувчи умумлашган муҳим кўрсаткич. Соф миллий маҳсулот таркибидан бизнесга билвосита солиқларни чегириб ташланган қисми.

***Миллийлаштириш*** (национализация, nationalization) – Хусусий шахслар мулкларини тегишли  давлат  органининг махсус актига кўра давлат ихтиёрига ўтказилиши.

***Минтақавий валюта тизими*** (контенентальная валютная система, continental currency system) – Ривожланган давлатларнинг жаҳон валюта тизими

чегарасида ташкил этилиб, аъзо давлатларнинг валюта соҳасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлари шакли сифатида фаолият кўрсатади. Масалан, Европа валюта тизими.

***Моддий буюмлашган бойлик*** – Миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий-буюм кўринишига эга бўлган қисми.

***Модернизация*** (модернизация, modernization) – Мавжуд объектни такомиллаштириш, яхшилаш, уни янги талаб ва меъёрлар, техник шарт-шароитлар, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

***Молия*** (финансы, financ) – Пул маблағларининг ҳаракати, уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланиши билан боғлиқ бўлган муносабат.

***Молиявий довдираш*** (финансовая поника, finance panic) – Шахсларнинг ўз депозитларида сақлаётган омонотни бир вақтнинг ўзида олиши, иқтисодиётда бу ҳол тижорат ва молия институтларнинг банкротлик ҳолатига тушишига сабаб бўлади.

***Молиявий манбалар*** **(**финансовые источники, financial sources**)** **–** Иқтисодиётнинг турли даражасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг маблағлари, давлат бюджети маблағлари, қарзга олинган маблағлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

***Молиявий сиёсат*** (финансовая политика, financial policy) – Иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми; давлат ўз функциялари ва вазифаларини амалга ошириши учун молиявий маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тадбирлари йиғиндиси. Масалан, солиқ сиёсати, амортизация сиёсати молия сиёсатининг таркибий қисмларидир.

***Молия тизими*** (финансовая система, financial system) – Молиявий муносабатлар ва уларни амалга оширишга хизмат қилувчи турли даражадаги молиявий муассасалар.

***Мол-мулк солиғи*** (налог на имущество, property tax) – Корхона (фирма)нинг бевосита солиқларидан бўлиб, мавжуд асосий фонд (актив)ларнинг дастлабки қийматидан ҳисоблаб олинади.

***Монетаризм*** (монетаризм, monetarism) – Муомалада бўлган пул таълимотини акс эттирган иқтисодий назария. Монетаризмнинг илк формаси; муомалада пул массаси хўжалик конъюктурасини юзага келишига таъсир этувчи омил бўлиб, муомаладаги пул массасини ўзгариши билан ялпи ички маҳсулот миқдори ўртасида тўғри алоқа ўрнатилади.

***Монетар сиёсат*** (монетарная политика, monetary policy) – Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифини ўзгартириш борасидаги сиёсати.

***Мониторинг*** (мониторинг, monitoring) – Хўжаликни текшириб туриш, назорат этиш, маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва башорат (прогноз) қилиш.

***Монополистик рақобат*** (монополистическая конкуренция, monopolistic competition) – Кўпдан-кўп фирмалар бир хил бўлмаса ҳам, бир бирига ўхшаш товарларни сотадиган бозордаги рақобат.

***Монополия*** (монополия, monopoly) – Давлат, корхона ёки жисмоний шахсларга у ёки бу фаолият олиб бориши учун берилган ҳуқуқ; йирик фирмалар, компаниялар ёки уларнинг бирлашмалари; якка ҳокимлик.

***Монопол рента*** (монополная рента, monofull rent) – Алоҳида табиий шароитга эга бўлган, ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинадиган рента.

***Монопсония*** (монопсония, monopsony) – Эркин рақобатли бозорда, бир неча харидорларнинг паст нархлардаги товар (хизмат)ларни сотиб олиши.

***Мослашувчан таклиф*** (эластичное предложение, elastic offer) – Сотувчилар ўзлари таклиф қиладиган товарларни нақадар осонлик билан кўпайтира ва камайтира олиш меъёри.

***Мотивация*** (мотивация, motivation) – Ўзаро боғлиқ ва ўзаро мосланган сабаблар тизими.

***Муаллифлик ҳуқуқи*** (авторское право, copyright) – 1) Илмий, адабий ва маданий асарларда муаллифларнинг ҳуқуқини тартибга солувчи ҳуқуқнинг бўлиши; 2) адабий, мусиқий ёки бадиий асарни радио-телевиденияда эълон қилиш, матбуотда чоп этиш ва сотишдаги махсус ҳуқуқ.

***Мувофиқлик белгиси*** (гарантийный знак, guarantee sign) – Маҳсулот ёки хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёки кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қуйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги.

***Мувофиқлик сертификати*** – Маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат.

***Муддатли омонат*** (временное сбережение, time savings) – Мижоз томондан банкка маълум муддатга қўйилган қўйилмалар бўлиб, улар орқали мижозларга банк томонидан фоиз тўланиши белгиланган.

***Мукаммал рақобат*** (идеальная конкуренция, ideal a competition) – Бозордаги вазият бўлиб, бунда сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам кўп бўлиб, уларнинг биронтаси ўз ҳаракатлари билан талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни, мувозанат баҳосини сезиларли даражада ўзгартира олмайди, бозорда ўз ҳукмини ўтказа олмайди, шу туфайли сотувчиларни ҳам, харидорларни ҳам ишлаб чиқаришнинг, фаолиятнинг энг оқилона йўлини танлашга ундайди.

***Мулкдор*** (владелец, owner) – Ўз ихтиёрига кўра ўзига тегишли мол мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

***Мулкий бойлик*** (материальная богатство, material wealth) – Маълум вақт давомида тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи узоқ муддатли активлар.

***Мулкни тасарруф этиш*** (усвоение имущества, mastering of property) – Мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.

***Мулк объектлари*** (материальные объекты, material objects) – Мулкка айланган барча бойликлар.

***Мулк субъектлари*** (материальные субъекты, material subjects) – Мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатлар иштирокчилари.

***Мультипликатор самараси*** – Соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг инвестицион сарфлардаги ўзгаришга нисбати.

***Мулкчилик муносабатлари*** (имущественные отношения, property relations) – Мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабат.

***Муомаладаги пуллар*** (оборотные денежные средства, turnaround money resources) – Мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз); пулга тенглаштирилган тўлов воситалари. Пул ҳисоб китобларини тақозо этадиган халқаро иқтисодий айирбошлаш ва бошқа алоқаларда қатнашади.

***Муомала харажатлари*** (издержки обращения, expenses of circulation) – Товар муомаласи жараёни билан боғлиқ бўлган барча харажатлар йиғиндиси. Соф муомала харажатлари ва муомаладаги унумли харажатларга бўлинади.

***Мураккаб фоизлар*** (сложные проценты, complicated percent) – Жамғармалардан фойдаланилгани учун ҳақ тўлаш ҳисоб-китоб усули бўлиб, бунда бу ҳақ омонатнинг бошланғич қийматига ҳам, унга ўтган йили учун ёзилган фоиз қийматига ҳам қўшиб ёзилади, омонатнинг прогрессив ўсишини таъминловчи фоизлар.

***Мутаносиб солиқ*** (прогрессивный налог, value-added tax) – Олинадиган даромадлардан, уларнинг катта-кичиклигидан қатъий назар, бир хил фоизда олиниши.

***Мутлоқ рақобатдош бозор*** (совершенно конкурентный рынок, completely competitive the market) – Харидорларнинг бозор нархларидан хабардор бўлишига асосланган бозор.

***Мулоқ устунлик*** (абсолютное преимущество, absolute advantage) – Бир мамлакат ўз маҳсулотларини бошқа мамлакатга нисбатан самаралироқ ишлаб чиқара оладиган вазиятда вужудга келадиган ҳолат.

***Муқобил текширув*** (альтернативная проверка, alternative check) – Ўзаро операцияларнинг бир хиллиги билан боғланган ва турли хўжалик юритувчи субъектларда ёки бир хўжалик юритувчи субъктнинг турли бўлинмаларида жойлашган ҳужжатларни қиёслаб текшириш.

***Муқобил қиймат*** (альтернативная стоимость, alternative cost) – Бошқа товар ва хизматларга алмаштириш учун берилиши лозим бўлган товар ва хизматлар миқдори.

## Н

***Назорат қилувчи орган*** (контролируюший орган, supervising body) – Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан, давлат назоратини амалга оширишга қонун томонидан ваколат берилган вазирлик ва идоралар.

***Нарх*** (цена, price) – Товар қийматининг пулда ифодаланиши; хўжалик механизмида амал қилувчи иқтисодий восита. Бозор шароитида нарх қиймат ўлчови, рағбатлантириш омили, даромадларни қайта тақсимлаш вазифаларини бажаради.

***Нарх диапазони*** (диапазон цен, range the price) – Нархлар оралиғидаги фарқнинг пулдаги ифодаси.

***Нархлар индекси*** (индекс цен, price index) – Хар хил вақт оралиғида товар ва хизматларга нархнинг мувозанати ўзгаришини акс эттирувчи кўрсаткич.

***Нархлар барқарорлиги*** (стабильность цен, stability price) – Инфляция ва дефляциянинг йўқлиги - пул бирлигининг харид қобилияти деярли ўзгармайдиган давр.

***Нарх тизими*** (ценовая система, price system) – Иқтисодий тизим; Унда ресурслар талаб ва таклиф кучларининг ўзаро таъсири натижасида тақсимланади.

***Натурал ишлаб чиқариш*** (натуральное производство, natural production) – Меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириш, ички хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланишига асосланган ишлаб чиқариш.

***Нафақа*** (пенсия, pension) – Фуқароларга маълум ёшга етганда, ногирон бўлиб қолганда, боқувчисини йўқотганда, кўп йиллик хизматлари учун давлат томонидан бериладиган доимий пул тўловлари.

***Нафлилик*** (прибыльность, profitableness) – Товарлар кишиларнинг бирон-бир истеъмолини қондириш лаёқати.

***Нақд пул маблағлари*** (наличные деньги, cash money) – Товарлар учун ҳисоб-китоб ёки бошқа тўловлар қилинаётганида харидордан сотувчи қулига жисмонан ўтадиган қогоз ва танга пуллардир. Накд пуллар бошқа турли тўловларда ҳам қўлдан қўлга ўтади.

***Нақд пулсиз ҳисоб-китоб*** (без наличный расчёт, without cash calculation) – Корхона, ташкилотлар ўртасидаги уларнинг давлат бюджети, кредит ташкилотлари билан накд пулсиз бир ҳисоб рақамидан иккинчи ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш операциясига асосланган ҳисоб-китоб.

***Нақд пуллик ҳисоб-китоб*** (наличный расчёт, cash calculation) – Пул ўзининг тўлов ва муомала воситаси функциясиларини накд пул ёрдамида амалга ошириб, иш ҳақи, нафақа, мукофот, суғурта тўловларни тўлашда амалга ошириладиган ҳисоб-китоб.

***Нетто*** (нетто, net) – Ўралмаган ҳолдаги товарларнинг соф массаси; фоиз ставкасини чегирган ҳолдаги товарнинг соф баҳоси; харажатларни чегирган ҳолдаги соф даромад.

***Нобанк кредит муассасаси*** (небанковская кредитное учреждение, not bank credit establishment) – Кредит муассасаси бўлиб, давлат ва корхоналарни молиялаштириш, узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади.

***Новаторлик*** (новаторство, innovation) – Фойда олиш мақсадида, тижорат асосида янги маҳсулотлар, янги иш услублари ҳамда янги ишлаб чиқариш технологиялар яратишга интилиш.

***Нодавлат нотижорат ташкилот*** (негосударственная некоммерческая организация, not state noncommercial organization) – Жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари аъзолари ўртасида тақсимламайдиган ўзини-ўзи бошқарувчи ташкилот.

***Номенклатура*** (номенклатура, nomenclature) – Буюмлар, нарсалар, номлар рўйхати. Масалан, счёт, товар номенклатураси.

***Номинал*** (номинал, nominal) – Товарда кўрсатилган нарх; пул бирлиги ёки қимматли қоғозга ёзиб қўйилган қиймат.

***Номинал даромад*** (номинальный доход, nominal income) – Аҳоли томонидан пул шаклида олинган даромадлар қиймати.

***Номинал иш ҳақи*** (номинальная заработная плата, nominal wages) – Пул шаклидаги олинган иш ҳақи қиймати.

***Номинал фоиз ставкаси*** (номинальная процентная ставка, nominal interest rate) – Маълум давр ичида (ой, йил) қарзга олинган пул бирлигига тўланган пул миқдори.

***Номинал ялпи ички маҳсулот*** (номинальный валовой внутренный продукт, nominal gross domestic product) – Мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган пировард товар ва хизматларнинг жорий бозор баҳоларининг умумий йиғиндиси.

***Нотижорат ташкилот*** (некоммерческая организация, noncommercial organization) – Давлат ташкилоти бўлмаган, фойдани ўзаро тақсимламайдиган кишиларнинг барча турли бирлашмаси.

***Ноу-хау*** (ноу-хау, know-how) – Корхона ва профессионал фаолиятда амалий қўлланиладиган тажриба ва илмий, техник, ишлаб чиқариш, маъмурий, молиявий, тижорат характеридаги турли хил янги билимлар йиғиндиси; Ноу-хау дан фойдаланиш лицензия шартномаларини тузиш асосида амалга оширилади.

***Нуфузли нарх*** (престижная цена, prestigious price) – Аҳолининг юқори даромад олувчи қатлами, харид қиладиган товарларни сотишда қўлланилади.

## О

***Облигация*** (облигация, bond) – Қимматли қоғоз тури, муддатли қарз мажбурияти. Эгасига кафолатланган даромад олиш ҳуқуқини беради. Акциядан фарқли уларок, даромад миқдори корхонанинг умумий даромадлилигига боғлиқ бўлмайди.

***Оддий акциялар*** (простые акции, common stock) – Компания олган фойдага қараб дивидендлар олиш ҳуқуқини, ҳал қилувчи овоз билан акционерлар йиғилишида иштирок этиш ва компания раҳбариятига сайланиш ҳуқуқини берадиган акциялар.

***Оддий лицензиялаш*** (обычное лицензирование, usual licensing) – Юридик ва жисмоний шахсларга чекланмаган доирада бериладиган лицензиялар бўлиб, шахслар тегишли фаолият турини амалга оширишга нисбатан қуйиладиган ягона шартлар ва талабларга жавоб беришини таъминлайди.

***Оила бюджети*** (семейный бюджет, family budget) – Оиланинг мазкур вақтда вужудга келган пулли ёки жами даромадлари ва харажатлари.

***Олигополия*** (олигополия, oligapoly) – Бир неча йирик компания, фирмани ишлаб чиқаришда ва бозорда ҳукмронлик қилиши.

***Олигархия*** (олигархия, oligarchy) – Бир тўда шахсларнинг ёки гуруҳларнинг (бойлар, харбийларнинг) сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги бўлган тузум.

***Олий тоифали товар*** (товар высшего категории, goods of the supreme quality) – Даромадларнинг ўзгариши билан талабга нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгарадиган товар.

***Олтин валюта заҳираси*** (золотовалютный запас, gold reserves) – Марказий банк ва мамлакат молия органларининг ҳамда халқаро валюта-кредит ташкилотларнинг хориж валютаси ва олтин заҳиралари.

***Олтин заҳираси*** (золотой запас, gold reserves) – Мамлакат марказий эмиссия банки ёки хазинаси қуйма ёки танга шаклида тўпланган марказлашган олтин резерв фонди.

***ОПЕК*** (Нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти) (огранизация стран-экспортеров нефти, organization of petroleum exporting countries) – 1960 йилда ташкил этилган. Таркибига Эрон, Ироқ, Венесуэлла, Қувайт, Саудия Арабистони, Қатар, Индонезия, Ливия, Бирлашган Араб Амирлиги, Жазоир, Нигерия, Эквадор ва Габон давлатлари киради. ОПЕК жаҳон бўйича нефтъ савдоси ҳажмининг ярмига яқинини назорат қилади, ҳамда нефтга расмий баҳо белгилайди, кўпинча баҳонинг жаҳон даражасини аниқлаб беради. Штаб квартираси Венада жойлашган.

***Опцион*** (опцион, option) – 1) Компания ўз хизматчисига акцияни қатъий баҳода сотиб олиш ҳуқуқини бериши; 2) қимматли нарсаларни ва молиявий ҳуқуқни сотиб олиш тўғрисидаги мажбурият шартномаси; 3) қимматли нарсаларни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқи учун тўланган ҳақ.

***Оралиқ истеъмол*** (промежуточное потребление, intermediate compsution) – Ишлаб чиқаришнинг бир босқичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бошқа босқичида меҳнат предметлари сифатида ишлатилиши.

***Оралиқ маҳсулот*** (промежуточние продукция, intermediate goods) – Қайта ишлаш ёки сотиш учун сотиб олинган товар ва хизматлар мажмуи.

***Ортиқча таклиф*** (излишное предложение, excess demand) – Мавжуд нархларда товар ва хизматлар таклифи уларга бўлган талабдан устун бўладиган иқтисодий вазият, шунингдек, ортиқча ишлаб чиқариш деб ҳам аталади.

***Оферта*** (оферта, offer) – Олди-сотди қилиш амалиётида қўлланадиган истеъмолчига маълум шартлар асосида товар ва хизматларни сотиш тўғрисидаги ёзма таклиф.

***Очиқ акциядорлик жамияти*** (акционерное общество открытого типа, joint-stock company) – Акциядорлар ўзларига тегишли акциялари жамиятдаги ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши (сотиш, ҳадя қилиш ва бошқалар) мумкин бўлган акциядорлик жамияти. Очиқ акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларига очиқ ёки ёпиқ обуна ўтказишга хақли, жамиятда акциядорларнинг сони чегараланмайди. Очиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди 50000 АҚШ доллар эквиваленти суммасидан кам бўлмаслиги лозим.

***Очиқ иқтисодиёт*** (открытая экономика, open economy) – Мамлатнинг барча фуқаролари халқаро товар ва капитал бозорида олди-сотди шартномаларини чекланмаган ҳолда амалга ошириш имконияти бўлган иқтисодиёт.

## П

***Пай*** (доля, share) – Қисм, аъзолик ҳиссаси, бадал, бирорта корхона ташкил этилганда аъзолари тулайдиган аъзолик бадаллари.

***Пакт*** (пакт, pact) – Пакт, битим, аҳднома, халқаро шартнома тури.

***Паритет*** (паритет, parity) – 1) Биржа битимидаги шарт; 2) компаниянинг ўз хизматчисига акцияни қатъий баҳода сотиб олиш ҳуқуқини бериши.

***Пассив*** (пассив, passive) – 1) Бухгалтерия балансининг бир қисми, корхонанинг ўз резервлари, бошқа муассасанинг заёмлари акс этади; 2) тўлов балансидаги камомад.

***Пассив савдо баланси*** (пассивный торговый баланс, unfavourable trade balance) – Мамлакатнинг унга келтириладиган товарлари (импорти) микдорининг жўнатиладиган товарлари (экспорти) миқдоридан ошиб кетиши.

***Пассив тўлов баланси*** (пассивный платежный баланс, unfavourable pay balance) – Мамлакатнинг хорижий сарф-харажатлари ва тўловлари мамлакатга хориждан келиб тушадиган тушумларидан ошиб кетишини билдирувчи тўлов баланси.

***Паст тоифали товар*** (товар низкое категории, goods low categories) – Даромадлар камайганда талаб ошадиган товар.

***Патент*** (патент, patent) – Ихтиро, авторлик ҳуқуқи тан олинганда давлатнинг тегишли органи томонидан берилган ҳужжат.

***Пеня*** (пеня, fine) – Тўлов муддатини бузганлиги учун қўлланиладиган санкция (жарима) тўлов қийматига нисбатан фоизда олинади.

***Пировард маҳсулот*** (конечный продукт, end-product) – Якуний истеъмол учун сотиб олинадиган тугал маҳсулот (товар ва хизмат)лардир.

***Потенциал ишлаб чиқариш*** (потенциальное производство, potential manufacture) – Мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиб ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида иқтисодиётда яратилган маҳсулот ҳажми.

***Потенциал ЯИМ*** (потенциальный ВВП, potential GDP) – Мавжуд инвестиция ресурслари ва ишчи кучи ҳисобига эришилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми.

***Плюрализм*** (плюрализм, pluralism) – Битим асослари ва унинг шаклланиши тўғрисида бир неча фалсафий қарашлар ёки бир муаммога турлича ёндашиш, фикрлар турли-туманлиги.

***Преференция*** – Иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

***Прогрессив солиқ*** (прогрессивный налог, progressive tax) – Корхона, фирма оладиган даромадидан, юқори даромадлардан паст даромадларга қараганда кўпроқ фоиз олинишига асосланган солиқ.

***Протекционизм*** (протекционизм, protectionism) – Давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамлакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилаши, айрим товарларни олиб келиш чекланиши ёки умуман таъқиқланиши.

***Пудрат*** – Шартнома ёки хўжалик юритишнинг бир тури. Бир томоннинг иккинчи томон талабига кўра белгиланган ишни бажариши тўғрисидаги шартнома.

***Пул*** (деньги, money) – Ўзига хос товар, барча товарлар қийматининг умумий эквиваленти. Товар қийматини ифодалайди. Турлари: металл, қоғоз, кредит, электрон пуллар, айирбошлашда умумий восита бўлиб хизмат қилади. Пул тўртта функция (вазифа)ни бажаради: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғарма воситаси, тўлов воситаси.

***Пул агрегати*** (денежный агрегат, monetary aggregate) – Жамғарила бориб харид қобилиятини сақловчи барча пул воситалари пул агрегати деб аталади, бунга нақд пуллар, маълум муддатга ёки муддатсиз банкка қўйилган пуллар, сертификатлар ва бошқалар киради.

***Пул базаси*** (денежно-кредитная база, monetary base) – Муомаладаги нақд пуллар, корхоналарнинг кассадаги пуллари ва марказий тижорат банк захиралари.

***Пул бозори*** (денежный рынок, money market) – Тижорат банк, давлат, фирма, хусусий шахсларнинг пул маблағлари ҳаракатига хизмат кўрсатади. Пул бозори инфляциянинг олдини олиш, бюджет дефицитини йўқотишга таъсир этади. Айланма маблағларнинг ҳаракатини таъминловчи қисқа муддатли кредит операцияларнинг йиғиндиси.

***Пулга бўлган талаб*** (спрос на деньги, demand for money) – Мамлакат аҳолиси жамғариш ва истеъмол қилиш, олди-сотди ва хар хил иқтисодий битимлар тузиш учун эгалик қилмоқчи бўлган пул миқдори; истеъмол, фоиз ставкаси, операцион харажатлар ва бошқа функциялар билан ифодаланади.

***Пул ислоҳоти*** (денежная реформа, currency reform) – Мамлакатнинг пул тизимини мустаҳкамлаш учун йўналтирилган давлат қонуний актлари.

***Пул-кредит сиёсати*** (денежно-кредитная политика, monetary policy) – Тўлиқ бандлик шароитида ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар. Пул-кредит сиёсати давлат томонидан ва Марказий банк томонидан амалга ошириб, унинг ёрдамида мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини бажаради.

***Пул миқдори(массаси)*** (денежная масса, money weight) – Муомалага чиқарилган металл тангалар ва қоғоз пуллар (хазина ва банк билетлар)и жами миқдори. Банкдаги барча пул воситалари ҳам киради. Пул миқдори аҳоли қўлида, кредит тизими кассалари, корхона ва ташкилотларда тўпланади.

***Пул муомаласи*** (денежное отношение, monetary attitude) – Товарларнинг пулларга айрибошланишини акс эттириб, муомала воситаси ва тўлов воситаси сифатида пулнинг ҳаракатига айтилади; товарларнинг доиравий айланиши, хўжаликда товарсиз тўлов ва бошқа ҳисоб-китобларга хизмат кўрсатади.

***Пулнинг айланиш тезлиги*** (скорость денежного оборота, speed of a monetary revolution) – Ҳар бир пул бирлигининг мазкур мамлакатда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашда, ҳар қандай битишувларни таъминлашда йил давомида неча марта айланишлар сони.

***Пулнинг харид қобилияти*** (покупательная способность денег, purchasing capacity of money) – Пулнинг харид қобилияти; пул бирлигининг маълум товарлар сонига айирбошлаш қобилияти.

***Пулнинг қадрсизланиши*** (обесценивание денег, money depreciation) – Қоғоз пулнинг қадрсизланиши маҳсулот ва хизматлар баҳосининг ошишида намоён бўлади.

***Пул эмиссияси*** (денежная эмиссия, monetary issue) – Давлат томонидан муомалага қўшимча миқдорда пул белгиларининг чиқарилиши.

## Р

***Рақобат*** (конкуренция, competition) – Бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун кураш.

***Реал даромад*** (реальный доход, real the income) – Аҳолининг номинал даромадлари қийматининг товар ва хизматлари сотиб олиш лаёқати. Аҳоли реал даромадига номинал даромад қиймати билан бирга баҳолар даражаси, солиқлар ва бошқа омиллар ҳам таъсир қилади.

***Реализация*** (реализация, realization) – Сотиш, пуллаш; тарқатиш; амалга ошириш, фойда олиш, фоизли қоғозлар вексель ва бошқа қимматли нарсаларни пулга айлантириш.

***Реал иш ҳақи*** (реальная заработная плата, real wages) – Реал, ҳақиқий иш ҳақи, инсоннинг ҳақиқий меҳнати учун олган ҳақи; моддий бойликлари ва хизматлар акс этган иш ҳақи; реал иш ҳақи номинал иш ҳақи миқдори, баҳо даражаси, хизматлар ва олинадиган солиқлар миқдори билан аниқланади.

***Реал ялпи ички маҳсулот*** (реальный валовый внутренний продукт, real gross domectic product) – Жорий нархларда ҳисобланган номинал ялпи ички маҳсулотни нархларнинг ўзгариш кўрсаткичи (инфляция даражаси)ни эътиборга олиб ҳисобланади.

***Ревальвация*** (ревальвация, revaluation) – Миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан қадрининг ошиши.

***Реверс*** (реверс, reverser) – 1) Танга, медалларнинг орқа томони, 2) банкнинг тўлов муддати етганда векселни сотиб олиш мажбурияти.

***Регрессив солиқ*** (регрессивный налог, regressive tax) – Корхона, фирма оладиган соф даромадига, паст даромадларидан анча юқори ва юқори даромадлардан камроқ фоиз ундиришга асосланган солиқ.

***Резерв валютаси*** (резервная валюта, reserve currency) – 1) Давлат хазинаси ва марказий банкка тегишли бўлган, қуйма ва танга олтинлар; хориж валюта маблағлари; халқаро ҳисоблар учун жамғармаси, сақлаб қўядиган валютаси; 2) ривожланган давлатларнинг халқаро ҳисоблар олиб бориш учун фойдаланиладиган миллий ва кредит пуллари.

***Резерв капитали*** (резерв капитала, reserve of the capital) – Корхонанинг фойдасидан ажратмалар ҳисобига ҳосил бўладиган, кўзда тутилмаган зарарлар ҳамда қимматбаҳо қоғозлар курсининг тушиши натижасидаги харажатларни қоплаш учун мўлжалланган фонд.

***Резидент*** (резидент, resident) – Солиқ ҳуқуқлари бўйича фақат шу мамлакатда тегишли иқтисодий ҳудудида (камида бир йилдан ортиқ яшаган бўлиши шарт) яшаб турган юридик ёки жисмоний шахс.

***Рейтинг*** (рейтинг, rating) – Даража, тоифага баҳо бериш. Махсус кафолатхоналар томонидан муайян қарздорнинг қарзини тулай олиш қобилияти ёки қимматбаҳо қоғозларнинг сифати ва ишончлилиги аниқланадиган нисбийлик.

***Реклама*** (реклама, reclame) – 1) Янги товар, унинг ўзига хос белгилари, хизматлари тўғрисидаги маълумот; 2) оммавий ахборот воситаларида тижорат фаолияти (товар ва ғояларни эълон қилиш).

***Реконструкция*** (қайта тиклаш) (реконструкция, reconstruction) – Фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартириш.

***Рента*** (рента, rent) – Ресурслар эгасининг мазкур ишлаб чиқариш омилидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш эвазига оладиган даромад.

***Рентабеллик*** (рентабельность, efficiency) – Корхона хўжалик фаолиятининг бир кўрсаткичи, маълум бир давр давомида корхона фаолияти фойдалилиги (зарар кўриб ишлаши)ни характерлаб беради. Маҳсулотни сотишдан келадиган фойданинг шу маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига нисбати.

***Рента муносабатлари*** (рентные отношения, rent attitudes) – Ердан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромадни тақсимлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқликда вужудга келадиган муносабат.

***Репорт*** (репорт, report) – Муддатли битим тури; қимматбаҳо қоғоз ёки чет эл валютасини (биржа савдогари, тижорат банки ва бошқа) банкка маълум муддатдан кейин янгича, яъни анча юқори нархда ҳарид қилиш шарти билан сотиш; қимматбаҳо қоғоз ёки чет эл валютасини сотиш ва ҳарид қилиш нархи ўртасидаги фарқ.

***Ресурслар*** (ресурсы, reserve) – 1) Ресурс, имконият, бойлик манбаи; чора, илож. Масалан: иқтисодий ва молиявий ресурслар; 2) ишлаб чиқаришни таъминлайдиган омил ва воситалари. Иқтисодий ресурслар қуйидагиларни ўз ичига олади: табиий (хомашёвий, геофизик), меҳнат (инсон капитали), капитал, муомала воситаларини, информацион ва молиявий ресурслар.

***Рефакция*** (рефакция, refaktion) – Маҳсулот сифати шартномада келишилгандан пастроқ бўлса, нархнинг туширилиши (пасайтирилиши).

***Рэкет*** (рэкет, racket) – Зурлик ишлатиш, шантаж қилиш, дуқ ва пуписа билан пора олиш, даромадларга шерик бўлиш. Рэкетни амалга оширувчи киши рэкетчи деб аталади.

## С

***Савдо*** (торговля, trade) – Товар ва хизматларни олди-сотди қилиш шакли. Савдо меҳнат тақсимоти натижасида ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларни бир-бирлари билан боғловчи махсус фаолият сифатида келиб чиққан.

***Савдо баланси*** (торговый баланс, merchandise trade balance) – Ташқи савдода экспорт ва импортдан келадиган тушумлар ва тўловлар ўз аксини топади, савдо

битимида кўзда тутилган, аммо жорий даврда амалга оширилмайдиган тўловлар ва тушумлар балансда ўз аксини топмайди.

***Савдо балансининг дефицити*** (торговый дефицит, trade deficit) – Ҳисобот даври охирига келиб импорт бўйича қилинган жами харажатларни экспорт даромадларидан устун келиш вазиятигача иқтисодий суръатларнинг пасайиши билан характерланади.

***Савдо балансининг ижодий сальдоси*** (торговый излишек активного сальдо, trade surplus) – Ҳисобот даврининг охирига келиб экспорт бўйича жами даромадлар импорт бўйича харажатлардан устун келиши билан характерланади.

***Савдо-воситачилик операцияси*** (торгово-посредническая операция, trading intermediary operation) – Мижоз топшириғи бўйича қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошларнинг олди-сотдиси ёки қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдисида воситачилик қилиш.

***Савдо палатаси*** (торговая палата, board of trade) – Турли давлатлар ўртасида ташқи савдо алоқаларини ривожланишига таъсир этиш мақсадида ташкил этилган ижтимоий ташкилот. Масалан, савдо-саноат палатаси.

***Савдо ўйи*** (торговый дом, trading house) – Савдо муассасасининг махсус тури. Турли хил товарлар (кийим-кечак, оёқ кийим, газлама) билан савдо қилиш.

***Салъдо*** (сальдо, balance) – Маълум бир давр мобайнида пул тушумлари ва харажатлар ўртасидаги фарқ; қолдиқ.

***Санация*** (санация, sanitation) – Молия ва кредитлаш тадбирлари тизими; корхона, ширкат, бирлашма, банк ва бошқаларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, уларни банкротликдан сақлаш ва рақобатбардошлик қобилиятини ошириш мақсадларига йўналтирилади.

***Сарфлар*** (издержки, charges) – Чиқим, харажат, сарфлар. Масалан: маъмурий, ялпи калъкуляцияцион сарфлар.

***Сарф харажат баланси*** (расходный баланс, spending balance) – Макроиқтисодиётда ЯИМни ишлаб чиқаришга кетган жами харажатлар ва яратилган ялпи ички маҳсулотнинг охирги истеъмол мақсадида ишлатилиши орасидаги баланс.

***Своп*** (своп, swap) – Форвард битими ва СПОТ шарти бўйича битим асосида амалга ошадиган турли хилдаги валюта операциялари.

***Своп-битим*** (своп-договор, swap-contract) – Мавжуд товарни зудлик билан олди-сотди қилиб етказиб бериш.

***Сервис*** (сервис, service) – Жисмоний ва юридик шахсларга, умуман кенг аҳоли қатламига хизмат кўрсатиш; ишлаб чиқариш-техник мақсадларида маҳсулотларни, моддий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари.

***Сервитут*** – Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи. Кучмас мол-мулк эгаси қўшни ер участкаси эгасидан, зарур ҳолларда эса – бошқа ер участкаси эгасидан ҳам унинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини беришни талаб қилиш ҳуқуқи.

***Сертификат*** (сертификат, certifacate) – 1) Молия (пул) мажбуриятини акс эттирувчи гувоҳнома, ҳужжат; 2) қимматли қоғоз тури; 3) ташқи иқтисодий

алоқаларда товар сифати ҳақидаги гувоҳнома; суғурталанган мулкка етган зарар таснифи, ҳажми ва сабабларини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳам сертификат деб аталади.

***Сертификатлаштириш миллий тизими*** (национальная система сертификации, national system of certification) – Давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлаштириш ўтказишда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларга эга бўлган тизим.

***Синдикат*** (синдикат, syndicate) – Бир тармоқ тадбиркорлари томонидан ортиқча рақобатни бартараф қилиш, барқарор фойда олиш мақсадида маҳсулот сотишнинг бирлашиши.

***Смета*** (смета, estimate) – Қурилиш, монтаж ишлари, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун кетган меҳнат, материал ва пул харажатлари миқдори белгиланган ҳужжатлар йиғиндиси; молия режасининг бир тури, бунда асосан харажатлар акс эттирилади.

***Солиқ*** (налог, tax) – Давлатнинг марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадларининг маълум бир қисмини бюджетга жалб қилинган қиймати. Масалан: даромад, акциз ва бошқа солиқлар.

***Солиқ декларацияси*** (налоговая декларация, tax declaration) – Солиқ тўловчининг маълум бир вақт давомида олган даромад миқдорини билдирувчи ҳужжат, ёзма баёнот ва гувоҳнома.

***Солиқ имтиёзлари*** (налоговые льготы, tax privilege) – Солиқ тўловларидан тула ва қисман солиқдан озод бўлиш. Солиқ сиёсатининг бир қисми бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий мақсадларни кўзлайди.

***Солиқ каникуллари*** (налоговые каникулы, tax vacation) – Корхоналарнинг самарали ишлаганлиги учун ёки бошқа сабабларга кўра давлат томонидан бериладиган имтиёзлар даври. Бу даврларда улар солиқлардан озод этилади.

***Солиқлар индексацияси*** (индексация налогов, tax indexes) – Иқтисодиётнинг ривожланиб бориши натижасида солиқларнинг ўзгариб боришини тартибга солувчи кўрсаткичлар. Масалан, даромад солиғининг айрим элементлари баҳо индексининг ўсиши ёки иш ҳақи индекси асосида ўзгариши.

***Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби*** **(**упрощенный порядок налогообложение, simplified order the taxation) **–** Солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

***Солиқ ставкаси*** (налоговая ставка, tax rate) – Солиқ қийматининг солиқ олинадиган қийматга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

***Солиқ тизими*** (налоговая система, fiscal system) – Ҳукумат қонунлари билан белгиланган, ижро этувчи органлари томонидан олинадиган солиқлар йиғиндиси, тўғри ва эгри солиқлардан иборат.

***Солиқларни унификация қилиш*** **(**унификация налогов**,** unification of taxes) **–** Солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

***Солиқ юки*** – Маблағларни бошқа фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлардан олиб, солиқларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чегирмалар даражаси бўлиб, одатда солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Мамлакат миқёсида солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи орқали ифодаланади.

***Соф инвестиция*** (чистая инвестиция, pure investments) – Ялпи инвестициядан амортизацион ажратмаларни чиқариб ташланган қисми.

***Соф миллий маҳсулот*** (чистый национальный продукт, net national product) – Макроиқтисодий кўрсаткич бўлиб, у ЯММдан амортизацион ажратмалар жами миқдорининг айирмаси кўринишида ҳисобланади.

***Соф фойда*** (чистая прибыль, net profit) – Корхоналарнинг ялпи пул тушумидан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми.

***Соф экспорт*** (чистый экспорт, net exports) – Мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.

***Ссуда капитали*** (ссудный капитал, loan the capital) – Фоиз тўлаш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилган ялпи пул маблағи.

***Ссуда капитали жаҳон бозорида*** (ссудный капитал в мировом рынке, loan the capital in the world market) – Ҳалқаро кредит операциялари руй берадиган бозор ёки ссуда капиталининг ҳалқаро бозори.

***Ссуда фонди*** (фонд ссуды, loan fund) – Қарзга берилган ва банкларда тўпланган пул маблағлари.

***Стабилизация*** (стабилизация, stabilization) – Барқарор бўлиш, мустаҳкамлаш. Масалан, нарх-навони барқарор бўлиши, пул муомаласини мустаҳкамланиши.

***Стагфляция*** (стагфляция, stagflation) – Инфляция тенденцияси ривожланган даврдаги иқтисодиётдаги инфляция; ишсизлик кўпайиб, нархлар ошиб бориши.

***Стандарт кредит*** (стандартный кредит, standard credit) – Олинган кредит бўйича вақти-вақти билан кредитни ўз вақтига қайтара олмаслик шароити юзага келиши, кредитни белгиланган муддатда тўлай олмаслик, тўлов муддатининг узайтирилиши бир марта оширилиши, кредитни фоизларини тўлай олмаслик даври 30 кундан 60 кунгача тўлиқ таъминланмаган кредитлар учун 30 кун муддатга тўланиши.

***Субвенция*** (субвенция, subvention) – Ҳукумат маҳаллий органларига ёки хўжаликларни турли бўғинларига давлат томонидан бериладиган молиявий ёрдам тури. Ундан фойдаланиш шарти бузилганда уларни қайтариб олиш мумкин.

***Субсидия*** (субсидия, subsidy) – Давлат бюджетидан корхона, ташкилот ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ.

***Субстандарт кредит*** (субстандартный кредит, substandard credit) – Олинадиган кредит қийматининг банкга қайтиб тўланишида маълум камчиликлар мавжудлиги, қарз олувчининг ишончли молиявий аҳволи ва тўлов қобилиятининг юқори даражада ҳимояланганлиги.

***Субституция*** (субституция, substitution) – Лотинчада, “ўрнимга бошқани тайинлайман” деган маънони билдиради. Васиятномада кўрсатилган

меросхўрдан ташқари, яна (резерв) бошқа меросхўрни (субститут) кўрсатиш ҳуқуқи. Субститут товарлар деганда бир бирининг ўрнини босиши мумкин бўлган маҳсулотлар тушунилади.

***Субсчётлар*** (субсчета, subaccount) – Объектларнинг турли номенклатурадаги ҳисобини олиб бориш учун фойдаланилади. Асосий счётлар кўрсаткичига қўшимча сифатида киритилади.

***Судралиб юрувчи инфляция*** (ползучая инфляция, creeping inflation) – Иқтисодиётда баҳоларнинг ўртача йиллик ўсиши 5-10 фоиздан ошмасдан, ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўлиши.

***Суд тақиқи*** (судебный запрет, injunction) – Айрим шахс ёки ташкилотга бирон турдаги фаолият билан шуғулланмаслик буюрилган қарор.

***Судхўр*** (ростовщик, gombeenman) – Судхўр, ижарачи, фойдахўр; фойда олишни кўзлаб пулни қарз берувчи киши.

***Судхўрлик кредити*** (кредит ростовщика, credit of the usurer) – Кредитнинг ўзига хос шакли бўлиб, Марказий банк томонидан тегишли лицензияга эга бўлмаган жисмоний шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маблағларни кредитга бериш. Судхўрлик кредити ссуда фоизининг юқори ставкаси билан тавсифланади, яъни 120 фоиздан 180 фоизгача.

***Супермаркет*** (супермаркет, supermarket) – Харидорларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишига асосланган кенг тармоқли савдо мажмуаси.

***Суғурта полиси*** (полис страхования, polis of assurance) – Мулк ёки шахсий суғурта ташкил этилганлигига гувоҳлик берувчи ҳужжат.

***Суғурта рентаси*** (рента страхования, rent of insurance) – Қўшимча нафақаларни суғурталаш асосида суғурталанувчига ой ёки йил давомида тўланадиган мунтазам даромад.

***Суғурта қиймати*** (страховая сумма, sum of insurance) – Суғурта объектининг қанча миқдор (қиймат)да суғурта қилингани.

## Т

***Табиий бойлик*** (природное богатство, natural wealth) – Миллий бойликнинг табиат инъомларидан иборат бўлган, фойдаланишга жалб қилинган, ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қиладиган қисми.

***Ташқи иқтисодий фаолият*** (внешнеэкономическая деятельность, foreign trade activities) – Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатларидир.

***Тадбиркорлик*** (предпринимательство, bisinees) – Фойда олиш мақсадида фуқаролар ва корхоналарнинг ўз ташаббуси асосида мустақил фаолият юритиши. Масалан, хусусий, жамоа тадбиркорлиги. Тадбиркорликни ривожлантириш бозор иқтисодиёти шаклланишининг асосий мезонларидандир.

***Тадбиркорлик капитали*** (предпринимательский капитал, bisinees the capital) – Тадбиркор эхтиёрида ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий воситалар, товар ва пул маблағлари.

***Тадбиркорлик сектори*** (сектор предпринимательства, sector of business) – Даромад олиш мақсадида амал қилувчи, олинган фойдани ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришга сарфланиши.

***Тадбиркорлик қобилияти*** (предпринимательская способность, enterprise ability) – Инсонда бўлган ташаббускорлик, ташкилотчилик, новаторлик, иқтисодий хавфдан, жавобгарликдан чўчимаслик ҳислатлари мажмуи.

***Таклиф*** (предложение, supply) – Ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва муайян пайтда бозорга чиқарилган ёки келтирилиши мумкин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир. Ишлаб чиқарувчилар бозорда сотишга мўлжалланган товар ҳажми таклиф қилинган товарлар миқдорига айтилади. Товарлар таклифининг ҳажми сотишга чиқарилган товарлар қиймати билан белгиланади.

***Таклиф инфляцияси*** (инфляция предложения, inflation of the supply) – Мамлакат иқтисодиётида товар ва хизматлар таклифининг камайиши ва товар ва хизматлар баҳоларининг ошиши.

***Таклиф қонуни*** (закон предложения, law of supply) – Товар учун нарх қанча юқори бўлса, бозорга ишлаб чиқарувчилар томонидан шу товарнинг кўплаб миқдори таклиф қилинади. Бу ҳолат уларни мавжуд товар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга ундайди. Бу ўз навбатида товар таклифини ўстиради. Демак, нарх ошишига мувофиқ равишда таклиф миқдори ҳам ортади, нарх пасайиши билан таклиф ҳам қисқаради.

***Талаб*** (спрос, demand) – Товар ёки хизматларга бўлган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлиши, лекин бу шунчаки эҳтиёж эмас балки, тўловга қобил, пул билан таъминланган эҳтиёждир.

***Талаб инфляцияси*** (инфляция спроса, inflation of demand) – Иқтисодиётда талаб кескин ошиб кетиши ва уни ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми билан қондириш мумкин бўлмай қолган вазият.

***Талаб қонуни*** (закон спроса, law of demand) – Маълум бир товарнинг нархи қанчалик ошса, талабнинг миқдорига таъсир этувчи бошқа омиллар ёки шароитлар ўзгармас бўлганида шу товарнинг камроқ ҳажмига талаб қуйилади; аксинча товар нархи пасайса, унга талаб ортади. Қисқаси, нарх билан талаб миқдори ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд. Ана шу тескари боғланиш талаб қонуни дейилади.

***Таннарх*** (себестоимость, first cost) – Бирор товар ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун кетган барча харажатларнинг пулдаги кўриниши.

***Тариф*** (тариф, tariff) – Расмий белгиланган ставка, солиқ, тўлов йиғими; ставкалар тизими. Масалан, транспорт тарифлари, алоқа бўйича божхона тарифлари ва бошқалар.

***Таркибий инқироз*** (структурный кризис, structural crisis) – Иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликлар вужудга келиши натижасида, айрим тармоқларда кейин бутун иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмининг тушиб кетиши ҳолати.

***Таркибий ишсизлик*** (структурная безработица, structural unemployment) – Ишлаб чиқариш ва ялпи талаб таркибидаги ўзгаришлар натажасида вужудга келадиган ишсизлик.

***Тартибга солиш*** (регулирование, regulation) – Иқтисодиётнинг маълум бир ҳолатида бўлишини таъминлаш. Иқтисодиётнинг субъектлари алоқаларини ўзгаришни ёки қувватлашни таъминловчи, мақсадли йўналтирилган жараёнлар. Масалан: соҳаларни, пул-кредитни, молияни, ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш.

***Ташкилий ҳуқуқий тизим*** (организоционно-правовая структура) – 1) Бир мақсаднинг самаралигига эришишни таъминлаш учун ташкил этилган бошқарув ва функционал қисмларнинг ўзаро муносабати; 2) корхонанинг ҳажми, унинг капитали, мулк шаклига боғлиқ бўлган, мавжуд бўлган мамлакат қонунларида кўзда тутилган корпорация, ташкилот, компания турлари ва шакллари.

***Ташкилот*** (организация, organization) – Тизим элементларини тартибга солиш ва координация қилишга қаратилган бошқарувнинг таркибий қисми.

***Ташқи дунё*** (внешний мир, external world) – Шу мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар олиб борувчи иқтисодий агентлар билан бирлаштирувчи институтционал сектор.

***Ташқи савдо*** (внешная торговля, oversea trade) – Бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси (экспорт, импорт муносабатлар). Ташқи савдо асосида ҳалқаро меҳнат тақсимоти шаклланади.

***Ташқи савдо сиёсати*** (внешнеторговая политика, foreign trade policy) – Бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасида сиёсати. Бунда тенг ҳуқуқлилик ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

***Ташқи харажатлар*** (внешние затраты, external expenses) – Ташқаридан жалб қилинган ресурсларга тўловларни амалга оширишга кетган харажат.

***Тақсимланмаган фойда*** (нераспределенной доход, unallotted the income) – Резерв фондига ажратмалар ва дивидентлар тўланганидан сўнг қоладиган фойданинг бир қисми.

***Текшириш*** (проверка, to check) – Назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари ижро этишлари устидан ўтказиладиган назорат.

***Тендер*** (тендер, tender) – 1) Ёзма таклиф, оферта, талабнома; 2) қимматли қоғозлар, савдо учун обуна бўлиши ҳақидаги ариза; 3) муддатли шартномага кура товарни етказиб бериш тўғрисидаги хабарнома; 4) бозорда облигация ва ғазна векселини таклиф этиш воситаси; 5) халқаро савдо шакли. Савдо ташкилотчилари томонидан қатнашувчилар орқали маълум товарни етказиб бериш ёки маълум хизматларни бажариш таклифи қайд этилган қоғоз.

***Технологик усул*** (технологический способ, technological way) – Меҳнат воситалари, материяллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули.

***Технополис*** (технополис, technopolice) – Инновацион жараённи активлаштиришга мўлжалланган очиқ иқтисодий зона шаклларидан бири.
***Тижорат банки*** (коммерческий банк, commercial bank) – Саноат ва савдони қисқа муддатли кредитлар билан таъминлаш, шунингдек хусусий мижозларга турли турдаги банк хизматлари кўрсатишга (жорий счётларни юритиш, тижорат истеъмолчилик ва ипотека қарзларини бериш ва ҳоказолар) ихтисослашган банк. Тижорат банклари пай бадали ёки акционерлик (ҳиссадорлик) асосда тузилади. Тижорат банкининг маблағлари ўзининг хусусий (устав фонди, заҳира фонди ва бошқа фойда ҳисобига ташкил топадиган фондлари) ва жалб қилинган (корхоналар счётлардаги, уларнинг қуйилмалари ва депозитлари, фуқароларнинг омонатлари ва ҳоказолар) маблағларига бўлинади.
***Тижорат кредити*** (кредит коммерции, commercial credit) – Тўлов муддатини узайтириш ёки бир неча муддатда тўлаш шарти билан товарларни сотиш учун бериладиган кредитнинг шакли.
***Тижорат сири*** (коммерческая тайна, industrial secret) – Корхоналарнинг барча операциялари ва ҳужжатларини сир сақлаш. Бу давлат томонидан муҳофаза қилиниб, рақобат курашида бир восита ҳисобланади.
***Тилхат*** (расписка, receipt) – Квитанция, пул ёки бирор қимматли нарса қабул қилинганлиги тўғрисида берилган расмий тилхат.
***Товар*** (товар, goods) – Бирон-бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган айирбошлаш учун яратилган маҳсулотдир.
***Товар биржаси*** (товарная биржа, commodity bourse) – Қонунларга мувофиқ товарлар савдосини ташкил қилиш шакли. Товар биржаси савдонинг мунтазам бўлиши ва қатъий белгиланган жойда ўтказилиши, товарлар сифатига қуйиладиган талабларнинг бир хилда бўлишлиги, товарларни етказиб келиш шартлари ва муддатларни савдонинг харидорлар ва сотувчилар райига қараб юритилишини тақазо этади.
***Товар ишлаб чиқариш*** (производство товара, production of the goods) – Товарлар ўзининг истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотиш, айирбошлаш учун ва бошқаларнинг истеъмолини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш.
***Тор пул-кредит сиёсати*** (узкая денежно кредитная политика, narrow monetary credit policy) – Валюта бозорида инвестиция, ҳисоб-ставкаси ва қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларига таъсир қилувчи бошқа инструментлар ёрдамида валюта курси мақбуллигига эришиш.
***Транспорт логистикаси*** (транспортная логистика, transport logistic) – Муайян моддий буюмлар, юклар ва бошқаларни бир жойдан бошқа жойга оптимал йўналиш бўйича етказиб бериш, ташишни ташкил этиш маркази.
***Трансакцион харажат*** – Компаниянинг савдо-сотиқ фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар (акция, кучмас мулк, ҳар қандай активлар).
***Трансакция*** – Компанияларнинг ҳисоб рақамида акс эттирилган ҳар қандай операциялар.
***Трансферт*** (трансферт, transfer) – 1) Хориж валютаси ёки олтинни бир мамлакатдан иккинчисига ўтказиш; 2) номи ёзилган қимматли қоғозга эгалик

қилиш ҳуқуқини бир шахсдан иккинчисига ўтказиш; 3) туристларни аэропортдан меҳмонхонага элтиш бўйича трансферт хизмати.

***Трансферт тўловлари*** (трансфертные платежи, transfer payment) – Давлат бюджетидан пенсия, степендия ва турли нафақалар кўринишида аҳолига бериладиган тўловлар.

***Траст-компания*** (траст-компания, trast-company) – Операция олиб бориш учун ишонч қоғози берувчи компаниялар, бирлашма, фондлар; транс-компания ишонч асосида бошқаларга тегишли қимматли нарсаларни сақлаш ва бошқа операцияларни бажариш. Транс-компания ишончли шахслар-фискал, агентлар, транспорт агент вакиллари сифатида иш бажарадилар.

***Тратта*** (тратта, tratta) – Кредиторнинг векселда кўрсатилган қийматни учинчи шахсга тўлаш тўғрисидаги ҳужжат.

***Трейдер*** (трейдер, trader) – Брокер фирмаси хизматчиси; биржа залида қимматбаҳо қоғозлар савдо-сотиғи бўйича буюртмаларнинг бевосита ижрочиси.

***Трест*** (трест, trust) – Монополияларнинг юқори шакли. Унда маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш, корхоналар молияси бирлашади. Трест маълум тармоқда ҳукмронлик қилувчи ягона улкан ширкатчилик жамияти ҳисобланади.

***Троя унцияси*** (троянская унция, troya ounce) – Бозорларда тилланинг нархини билиб, пул билан ҳисоб-китоб қилиш учун меъёр, тилла оғирлигининг анъанавий ўлчов бирлиги (31,1 г).

***Турмуш даражаси*** (уровень жизни, standard of living) – Ҳаёт тарзи, кишиларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондирилиш даражаси, аҳолининг истеъмол неъматлари билан таъминланганлик даражаси. У аҳоли жон бошига ҳисобланган реал даромад билан белгиланади.

***Тушум*** (выручка, billing) – Корхонанинг ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан келган пул маблағи; бирор нарсани сотишдан келадиган фойда; даромад кўринишидаги пул.

***Тўла иш билан бандлик*** – Ишга талабгорларни иш жойи билан таъминлаб, уларни самарали меҳнат қилишига эришишини, шу билан биргаликда иқтисодиётнинг ўсиши учун минимал меҳнат резерви қилинишини билдиради. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тўла бандлик ишга талабгорларнинг 94-96 фоиз ишлагани ҳолда 4-6 фоиз меҳнат резервида туришини билдиради.

***Тўланган битишувлар реестри*** – Икки томонлама тузилган олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ қопланишини таъминлайдиган миқдордаги маблағларнинг харидорнинг ҳисоб-китоб-клиринг палатасидаги шахсий ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқовчи ҳужжат.

***Тўлов баланси*** (платежный баланс, balance of pauments) – Маълум давр мобайнида тегишли мамлакатга чет элдан келган ва четга чиқарилган тўловлар нисбати. Ташқи савдо операциялари (савдо баланси), хизматлар (халқаро юк ташиш, суғурта ва бошқа), носавдо операциялари.

***Тўлов иттифоқи*** (платёжный союз, payment unions) – Миллий валюталарнинг ўзаро алмашинуви ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилишига асосланган иттифоқ.

***Тўловларда воситачилик қилиш*** (посредничество в платежах, intermediary in payments) – Кредит муассасаси ўз мижозларининг топшириғига биноан тўлов жараёнларини амалга оширади, ҳисобварақларига маблағларни қабул қилади, пул тушумларининг ҳисобини олиб боради, мижозларга пул маблағларини беради.

***Тўғридан – тўғри инвестициялар*** – Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш ёки янада кенгайтириш мақсадида хорижий шериклар томонидан узоқ муддатли капитал қуйилмалар киритиш. Тўғридан-тўғри инвестициялар инвесторларга мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат қилиш имконини беради.

## У

***Уй-жой фонди*** (жилищный фонд, housing) – 1) Уй-жой қурилиши ва бошқа қурилишлардан иборат ва уларга тегишли бинолар йиғиндиси. Уй-жой фонди ҳисоблаш бирлиги бўлиб, уй-жой қурилиши, уй-жой бинолари, умумий ва уй-жой майдони ҳисобланади; 2)бюджетдан уй-жойларни қуриш учун ажратиладиган фонд.

***Уй хўжалиги*** (домашнее хозяйство, housekeeping) – Иқтисодиётнинг истеъмолчилик соҳасида фаолият кўрсатувчи, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган товар ва хизматлар истеъмол қилиниши.

***Улгуржи нархлар*** (оптовые цены, wholesale prices) – Ишлаб чиқарувчилар томонидан товарлар катта партияларда бир йўла кўтарасига сотилганда қўлланиладиган нарх.

***Улгуржи савдо*** (оптовая продажа, wholesale) – Товар ва хизматларнинг партияси билан ёки кўп миқдорда қайта сотиш ёки профессионал фойдаланиш учун сотиш.

***Умумий бозор*** (общий рынок, general market) – Бунда унинг қатнашчилари ўзаро эркин савдони амалга ошириш ва ягона ташқи савдо сиёсатини ўтказиш билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати таъминланади.

***Умум иқтисодий мувозанат*** (общее экономическое равновесие, general economic balance) – Жамият эҳтиёжлари билан мавжуд иқтисодий ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзаро мос келиши.

***Унификация*** (унификация, unification) – Турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларнинг рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.

***Унумли истеъмол*** (эффективное потребление, effective consumption) – Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан самарали фойдаланиши.

***Унумли капитал*** (производительный капитал, productive capital) – Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий фондлар (машиналар, асбоб анжомлар, ускуналар ва ҳоказо).

***Унумдорлик*** (производительность, efficiency) – Ишлаб чиқаришнинг фойдалилиги, унумлилиги; маҳсулдорлик, баракали фаолият. Маҳсулотнинг ҳажми, сифати ва меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат.

***Устав*** (устав, charter) – Корпорация фаолиятининг тартиб қоидалари; корпорациянинг рўйхатга олинадиган ҳужжатларида ана шу тартиб қоидалар қайд этилади, уни бошқарувчилар ўз фаолиятида мазкур тартиб қоидаларга амал қиладилар.

***Устав фонди*** (уставной фонд, authorized capital) – Таъсисчи (давлат, ташкилот, муассаса, меҳнат жамоаси, жисмоний шахс) томонидан корхонанинг доимий ихтиёрига бериладиган моддий ва пул маблағларининг йиғиндиси. Устав фондининг дастлабки миқдори корхона ташкил этилаётганида унинг устави сифатида қайд этилади ва асосий ҳамда айланма фондларини шакллантириш учун шахсий маблағларнинг асосий манбаи сифатида ишлатилади. Устав фонди миқдори ҳисобот даврининг бошида ва охирида бухгалтерия балансининг пассивида акс эттирилади ҳамда корхонанинг асосий фондлари қолдиқ қийматига ва айланма маблағларига бўлган энг кам эҳтиёжига мос бўлади. Устав фонди миқдори хўжалик фаолияти жараёнида ўзгармасдан қолмайди, у кўпайиши ёки камайиши мумкин. Устав фонди асосий воситаларда инвестициялар, меҳнат воситаларини қайта баҳолаш ёки индексациялаш ҳисобига кўпаяди; унинг камайиши асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш, эскиришини ҳисоблаш, уларни қайта баҳолаш натижасида бўлиши мумкин. Устав фонди айланма воситаларида унга фойданинг бир қисми қўйилиши, товар-моддий бойликлар ва бошқа айланма воситаларини бепул олиш ҳисобига кўпаяди, ўтган йилги харажатларни ҳисобдан чиқариш, товар-моддий бойликларни арзонлаштириш ва бошқалар ҳисобига камайиши мумкин.

## Ф

***Фабрика*** (фабрика, factory) – Машина, техника турларини ва технологияни қўллашга асосланган ҳолда иш юритувчи саноат корхонаси.

***Фактор (омил) даромад*** (фактор доход, factor incomte) – Ишчи кучи, капитал, мулк ишлаб чиқариш омилларининг қўлланилиши натижасида юзага келадиган даромад.

***Факторинг*** (факторинг, factoring) – Савдо комиссион операцияларнинг тури, бунда махсус-компания мижознинг дебитор қарзини мустақил тўлашни талаб қилади.

***Фаровонлик даражаси*** (уровень комфортной жизни, level of a comfortable life) – Мамлакат фуқароларининг шинам ва бетахлика яшаши учун зарур бўлган турмуш шароитлари, товарлар ҳамда хизматлар билан таъминланиш даражаси.

***Фермер*** (фермер, farmer) – Жамоа ёки давлат хўжаликларининг бир бўлимида иш олиб борувчи шахс; хусусий хўжалик фаолияти юритувчи шахс.

***Фермер хўжалиги*** (фермерское хозяйство, farm) – Хўжалик ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланиб, хўжалик аъзоларининг

биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

***Фиктив капитал*** (фиктивный капитал, fictitious capital) – Эгаларига даромад (дивидент ёки фоиз шаклида) келтириладиган қимматли қоғозлар; Ривожланган мамлакатларда маълум даромад олиб туришга ҳуқуқ берадиган турли хил қимматли қоғозлар.

***Филипс эгри чизиғи*** (кривая филипса, curve phillips) – Инфляция даражаси динамикаси ва ишсизлик даражаси динамикаси ёки реал ЯИМнинг потенциалдан оғиши орасидаги ўзаро боғлиқликни тавсифлайди ва графикда ифодалаб беради.

***Фирма*** (фирма, firm) – Корхона, компания, (ишлаб чиқариш, савдо, транспорт ва бошқа соҳаларда). Ўзи мустақил фаолият юритади, устав фондига эга.

***Фискал сиёсат*** (фискальная политика, fiscal policy) – Ноинфляцион ялпи ички маҳсулот шароитида иқтисодиётда тўлиқ бандлиликни, тўлов balансининг мувозанатини ва иқтисодий ўсишини таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва солиқларни ўзгартиришни ўз ичига олган чора-тадбирлар мажмуи.

***Флотинг*** (флотинг, floting) – Курснинг эркин ўзгариб туриши, сузиб юрувчи курс, яъни шундай шароитларки, унда валюта курси дискрецион интервенцияларсиз ҳалқаро битимга мувофик белгиланган чиқим ўзгариб туриши мумкин, бироқ валютанинг сузиб юрувчи курси бозор шароитлари билан белгиланмай маъмуриятнинг аралашуви туфайли сунъий тарзда сақлаб турилиши мумкин.

***Фоиз*** (процент, percent) – Ҳисса, устама, қўшимча фойда; фоиз; қарзга олган пуллари ёки материал буюмлар (қимматли нарсалар) фойдаланганлиги учун кредиторга заёмчининг тўлови.

***Фоиз даромади*** (процентный доход, percentage income) – Пул эгасининг ўз пулини омонатга қуйгани учун ёки ўзгаларга қарз бергани учун оладиган усими (фоизи) дан иборат бўлиб, даромад олишнинг бир тури ҳисобланади.

***Фоиз ставкаси*** (процентная ставка, rate of interest) – Ҳиссали, фоизли миқдор; белгиланган давр учун заёмчининг кредиторга тўлайдиган фоизли тўлови миқдори.

***Фойда*** (прибыль, profit) – Баланс фойдаси; товар маҳсулотини ишлаб чиқаришдан олинган фойда ва ҳисоб фойдасига бўлинади; товарлар реализацияси ва хизматлардан келган даромадлар қийматидан харажатлар ва солиқларни чегириб ташлангандан сўнг қолган маблағ.

***Фойдалилик мотиви*** (мотив прибильности, profit motive) – Тадбиркорлик фаолиятига сарфланган вақт ва пулдан фойда олиш истаги, асосланган сабаби.

***Фойда нормаси*** (норма прибыли, rate of return) – Фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатининг фоиздаги ифодаси.

***Фойда солиғи*** (налог прибыли, tax of the profit) – Корхона, фирманинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)дан олган соф даромадининг маълум қисми бюджетга жалб қилинган қисми.

***Фонд биржаси*** (фондовая биржа, stock exchange) – Чет эл валютаси, қимматли қоғозлар билан олди-сотди қилувчи махсус бозор. Асосий функциялари:

вақтинча эркин пул маблағларини қимматли қоғозлар сотиш орқали жалб этиш; қимматли қоғозларга бозор нархини ўрнатиш; капитални компаниялар орасида қайта тақсимлаш. Фонд биржаси олдин чиқарилган қимматли қоғозлар билан муносабатда бўлган иккиламчи қимматли қоғозлар бозорига хизмат кўрсатади.

***Фонд бозори*** (фондовый рынок, share the market) – Қимматбаҳо қоғозлар бозори билан биргаликдаги ҳаракатда бўлиб, фонд биржалари, банклар, холдинглар каби акция ва бошқа турдаги қимматбаҳо қоғозлар чиқаради.

***Форвард*** (форвард, forward) – Битим имзолангандан икки кун давр учун кейинги валюта ёки бошқа битим бўйича ҳисоб-китоблар.

***Форс – мажор*** (форс-мажор, force-majeure) – Ёнғин, табиий офат, уруш каби кутилмаган воқеа ҳамда ходисаларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган вазият.

***Франко*** (франко, franco) – Олди-сотди ва товарларни етказиб бериш шартномаларида қулланиладиган ҳалқаро термин. Келишувга кўра товарни жунатиш бўйича харажатларнинг бир қисми сотувчи томонидан тўланади. Сотиб олувчи молни суғурта қилишдан ва транспорт харажатларидан озод бўлади, масалан: франко-вагон бўнда келишувга кўра сотувчи вагон олиши ва юкларни вагонга ортишга мажбур бўлади.

***Франчайзинг*** (франчайзинг, franchising) – Французча сўздан олинган бўлиб, “имтиёз, енгиллик” деган маънони билдиради. 1) Йирик ва кичик тадбиркорлик корхоналарининг келишув шакли; 2) давлатнинг хусусий корхонага берадиган махсус имтиёзи.

***Френчайс*** (привилегия, franchise) – Савдо тармоғининг номидан фойдаланиб хусусий бизнес юритиш ҳуқуқини берадиган лицензия (рухсатнома).

***Фрикцион ишсизлик*** (фрикционная безработица, frictional unemployment) – Ишдан бўшаб қолиб, малакасига мос иш қидираётган ва иш ўринлар бўшашини кутаётган ишсизлар.

***Фъючерс битимлари*** (фьючерсные сделки, futures contract) – Товар ёки фонд биржасида бажариладиган муддатди битимлар. Баҳолар ёки акция курслари ўртасидаги фарқ ҳисобга олинади.

## Х

***Хайринг*** (хайринг, hiring) – Ижара мулки бўйича тузилган ўрта муддатли шартнома.

